БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 238 (729)

4 ДЕКАБРЬ СЕШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Совет Иттифоқи ва Руминия Халқ Республикаси ҳукумат делегациялари ўртасидаги музокаралар тўғрисида (1-бет).

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Правда Востока» газета редакциясига табриги (1-бет).

Ёзувчи Н. С. Тихоновни Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони (1-бет).

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонлари (1-бет).

Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг делегацияси Москвадан жўнаб кетди (1-бет).

КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг табригига қишлоқ хўжалигини юксалтиришда янги муваффақиятларга эришиш билан жавоб берайлик (2-бет).

С. Нуриддинов. — Коммунистлар пахтачиликни юксалтириш учун курашнинг биринчи сафларида бормоқдалар (2-бет).

«Правда Востока»нинг шонли йўли (3-бет).

Совет халқининг Миср халқига совғалари (4-бет).

Байрутда СССР элчиси шарафига қабул маросими (4-бет).

Чехословакия Миллат мажлиси сессиясида В. Широкий нутқи (4-бет).

Қишлоқ хўжалигининг янги муваффақиятлари учун!

Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XX съездининг тарихий қарорларини бажариш учун курашиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида анчагина иш қилдилар. Область пахтакорлари 190 минг гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан ҳозиргача 24 центнердан ошириб ҳосил олдилар ва бир йил ичида гектаридан олинган пахтани қарийб 4 центнер оширдилар.

Пахта ҳосилини ошириш ва пахта етиштиришни кўпайтириш асосан колхозлар, МТС ва совхозларнинг пахта етиштиришда янги, прогрессив методларга қатъий равишда ўтганликлари туфайли мумкин бўлди. Колхоз ва совхозлар ҳамма майдонларда чигитни торайтирилган қаторларга экдилар, ғўзаларни квадрат-уялаб жойлаштиришни ва икки томонга қараб машиналар билан ишлашни кенг миқёсда жорий қилдилар.

Областимиз дон, сабзавот, полиз экинлари, узум, жун, қоракўл тери, хом тери, мўйна, пилла, луб экинлари хомашёси ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва харид қилиш планларини ҳам муддатидан илгари бажарди. Область қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида эришилган бу дастлабки муваффақиятлар колхозларда даромадни ўтган йилдагига нисбатан ўрта ҳисоб билан тахминан 700-800 миллион сўм ошириш имконини беради ҳамда колхозчилар моддий фаровонлигининг янада юксалишини таъминлайди.

Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлган Ўзбекистонда, шу жумладан Тошкент областида пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш ҳақида доимо оталарча ғамхўрлик қилиб келаётган КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети областимиз меҳнаткашларига табрик юбориб, уларнинг меҳнатларини юксак баҳоладилар. Бу табрик ҳамма жойда зўр қувонч ва буюк меҳнат кўтаринкилиги билан кутиб олинди, халқимизнинг ғайратига яна ғайрат қўшди.

«КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети, — дейилади табрикда. — **Тошкент области колхозчиларини, МТС ва совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, пахта йиғим-теримида қатнашган шаҳар меҳнаткашларини, студентларни ва ўқувчиларни, партия, совет, қишлоқ хўжалик ва комсомол ходимларини эришилган муваффақиятлар билан табриклайдилар ва улар КПСС XX съездининг пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги қарорларини бажариш йўлида бундан кейин ҳам сабот билан меҳнат қиладилар, деб ишонч билдирадилар».**

Партиямиз Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматининг табриги — областимиз меҳнаткашлари, барча партия, совет ва комсомол ташкилотлари ҳамда қишлоқ хўжалик органлари учун буюк шарафдир. Шу билан бирга бу табрик уларни КПСС XX съездининг пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги қарорларини бажариш йўлида бундан кейин ҳам зўр ғайрат ва сабот билан меҳнат қилишга чақиради, эришилган дастлабки муваффақиятларни мустаҳкамлаб, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини йил сайин ошириб бориш мажбуриятини юклайди.

Область қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш соҳасида қўлга киритилган муваффақиятлар Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини кескин равишда юксалтиришга қаратилган доно сиёсати натижасидир, азамат колхозчилар, совхоз ишчилари, шонли механизаторлар ва барча меҳнаткашларнинг фидокорона меҳнати самарасидир.

Бироқ эришилган ютуқлар бизни сира хотиржамликка солмаслиги керак. КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг табригига меҳнат ғайратини янада кучайтириш билан, даладаги барча ҳосилни сира нобуд қилмай тезроқ йиғиштириб олиб, ҳамма жойда кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида намунали ўтказиш билан жавоб бериш — областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ватанпарварлик бурчидир.

1956 хўжалик йили якунланмоқда. Социалистик мажбуриятини шараф билан бажарган илғор пахтакорлар қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли якунлаш учун пахта ҳосилини батамом йиғиштириб олиб, кузги шудгорлашни ҳам кучайтириб юбордилар. Лекин, кўпчилик колхоз ва совхозларда ҳали тамомила йиғиштириб олинмаган ҳосил бор, кузги шудгорлашни пешма-пеш ўтказиш учун ерлар ғўзапоялардан тозаланган эмас. Баъзи бир жойларда ер ҳайдаш ишлари ҳар хил сабаблар билан пайсалга солинмоқда. Маҳаллий партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, машина-трактор станциялари, колхоз ва совхозларнинг ҳозирги вақтдаги энг муҳим вазифаси — ишда юз бераётган камчиликларни тезда бартараф қилиб, ўзларининг бутун куч ва ғайратини далада қолган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишга, кузги шудгорлашни кучайтириб юборишга, чорва молларининг қишловини намунали ташкил этишга ва 1957 йилда пахтачилик ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантиришни таъминлайдиган кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ўтказишга сафарбар этишдан иборатдир.

Тошкент областининг меҳнаткашлари КПСС XX съезди томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни амалга ошириш учун, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш учун ўзларининг куч-қувватларини аямайдилар, ўзбек халқининг совет пахтачилигини янада ривожлантириш учун олиб бораётган курашига, партия ва ҳукуматнинг Мирзачўл ерларини ўзлаштириш юзасидан қўйган вазифаларини муддатидан илгари бажариш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Совет Иттифоқи ва Руминия Халқ Республикаси ҳукумат делегациялари ўртасидаги музокаралар тўғрисида

1 декабрда Кремлда Совет Иттифоқи ва Руминия Халқ Республикаси Ҳукумат Делегациялари ўртасида музокаралар давом этди. Илгаригидек музокаралар ишчанлик ва самимий вазиятда ҳамда тўла ҳамжиҳатлик бўлган ҳолда ўтди.

Музокараларда совет томонидан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосарлари А. И. Микоян ва М. З. Сабуровлардан иборат Ҳукумат Делегацияси, шунингдек СССР Госплани Раиси Н. К. Байбаков, министрлар А. Г. Зверев, И. Г. Кабанов, иқтисодий алоқа ишлари бўйича Бош бошқарма бошлиғи К. И. Коваль, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. С. Патоличев, СССРнинг РХРдаги элчиси А. А. Епишев, СССР Ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлими мудирининг вазифасини бажарувчи М. А. Харламов, СССР Ташқи ишлар министрлиги 5-Европа бўлими мудирининг ўринбосари К. Д. Левичкин қатнашдилар.

Музокараларда Руминия томонидан Руминия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Клву Стойка, РХР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари Бирлэдяну Александру, РХР Госпланининг Раиси Марин Гастон, РХР Министрлари Мэнеску Маня ва Попеску Марчела составидан иборат Ҳукумат Делегацияси, шунингдек РХР Госплани Раисининг ўринбосари Цейгер Симеон қатнашди.

Делегациялар СССР ва РХР ҳукуматларини қизиқтирадиган масалалар бўйича экспертларнинг таклифларини қараб чиқдилар ва муҳокама қилинган масалалар бўйича бир битимга тўла суратда келишнинг мавжудлигини аниқладилар. Совет Иттифоқи ва Руминия Халқ Республикаси Ҳукумат Делегацияларининг бўлиб ўтган музокаралари тўғрисидаги Баёнотини эълон қилишга келишилди.

„ПРАВДА ВОСТОКА“ ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯСИГА

Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Правда Востока» газета редакцияси коллективини, газетанинг ишчи ва қишлоқ мухбирларини, авторлар активини, барча газетхонларни, босмахона ва нашриёт ходимларини газетанинг ўн мингинчи сони чиққанлиги туфайли Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганлиги билан табриклайдилар.

Бу олий мукофот газетанинг Ўзбекистон ССР меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш ҳамда уларни республика олдида турган вазифаларни амалга оширишга, КПСС XX съезди тарихий қарорларини бажаришга сафарбар этиш соҳасидаги самарали ишларига берилган муносиб баҳодир.

«Правда Востока» газетасининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланиши — республиканинг маданий ҳаётида катта воқиадир. Узбек халқи Совет ҳокимияти йилларида Коммунистик партия раҳбарлиги остида, СССРдаги барча халқларнинг ва аввало улуғ рус халқининг қардошларча ёрдами билан экономикани юксалтиришда, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятни ривожлантиришда ажойиб ютуқларни қўлга киритди.

«Правда Востока» Ўрта Осиёда рус тилида чиқадиган энг кекса совет газетаси бўлиши билан бирга ўзбек халқини илғор рус ва жаҳон маданияти билан таништириш, кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида рус тилини пропаганда қилишда катта роль ўйнади.

«Правда Востока» совет халқига, социалистик Ватанга садоқат билан хизмат қилиши, Коммунистик партиянинг улуғ байроғига содиқлиги туфайли республика меҳнаткашларининг муҳаббати ва ҳурматига сазовор бўлди. У республика меҳнаткашларини СССР халқларининг қардошлик дўстлиги, пролетар интернационализми ва оташин совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялашда Узбекистон Компартиясига актив ёрдам бериб келди ва ёрдам бермоқда.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Совети ишонадиларки, «Правда Востока» олий мукофотни янги ижодий ишлар билан оқлайди, меҳнаткашлар оммаси билан алоқани янада кўпроқ мустаҳкамлайди, газета атрофига минг-минглаб ишчи ва қишлоқ мухбирларини жиплаштиради ва большевистик сўзнинг кучи билан республика меҳнаткашларини Узбекистон халқ хўжалиги ва маданиятини янада барқ уриб яшнатиш, улуғ социалистик Ватанимизнинг қуч-қудратини мустаҳкамлаш учун янгидан-янги меҳнат қаҳрамонликларига илҳомлантиради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети	Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми	Ўзбекистон ССР Министрлар Совети

Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг делегацияси Москвадан жўнаб кетди

Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг халқ вакиллари Умумхитой мажлиси раисининг ўринбосари, Пекин шаҳрининг Мэри Пин Чжэнь бошчилигидаги делегацияси 2 декабрда «ТУ-104» самолётида Москвадан Прагага учиб кетди.

СССР Олий Советининг таклифига мувофиқ, совет мамлакатида бўлган улуғ хитой халқининг вакиллари Иркутск, Омск, Ленинград, Тошкент, Тбилисида бўлдилар. Меҳмонлар ўзларининг кўпроқ вақтларини Москвада ўтказдилар. Совет кишилари уларни ҳамма ерда ўзларининг энг яқин дўстларидек, ўз ака-укаларидек кутиб олдилар. Делегациянинг СССР бўйлаб қилган саёҳати икки буюк халқ бирлиги ва жипслигининг чинакам намойишига айланди.

Внуково аэродроми. Бу ерга Москва меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари келганлар. Аэропорт биносида ва флагштокларда Хитой Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари илиб қўйилган. Кузатиб қолувчилар орасида СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси П. П. Лобанов, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси В. Т. Лацис, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг Ўринбосарлари М. П. Тарасов ва Т. Кулатов, СССР Олий Совети Президиумининг Аъзоси И. В. Капитонов, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари А. Ф. Горкин, СССР Олий Совети Иттифоқ Совети Раисининг Ўринбосари П. Т. Комаров, СССР министрлари, совет ва чет эл матбуотининг жуда кўп вакиллари бор.

Делегацияни Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги Элчиси Лю Сяо, Мухтор министр, ХХРнинг СССРдаги Элчихонасининг Маслаҳатчиси Чэнь Чу, Чехословакия республикасининг СССРдаги Элчиси Яромир Вошаглик, Чехословакия республикасининг СССРдаги Элчихонасининг Маслаҳатчиси Л. Вацата кузатиб қолдилар.

Хитой Халқ Республикаси парламент делегациясини Прагага қадар СССР Олий Совети Президиуми Канцелярияси Бошлиғининг ўринбосари В. Г. Висотин кузатиб боради.

Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги Элчихонасининг биринчи Секретари Бэй Бао-шань ҳам делегация билан бирга жўнаб кетди.

Ўртоқ Пин Чжэнь Москвадан жўнаб кетиш олдидан микрофон олдида қуйидаги баёнотни берди:

— Қимматли ўртоқлар ва дўстлар!

Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг делегацияси улуғ Совет Иттифоқида икки ҳафталик визитдан кейин ўзларининг энг яқин оғаси бўлган совет халқлари билан хайрлашиб, Москва шаҳридан ва совет еридан жўнаб кетмоқда.

Делегациямиз Совет Иттифоқида бўлган кунларида биз ҳамма ерда самимий қардошларча кутиб олиндик ва хурсандчилик билан қабул қилиндик. Делегациямизнинг ҳамма аъзолари бу ерда ўзларини худди ўйларидагидек ҳис қилдилар. Биз ҳаммамиз тинчликсевар совет халқлари томонидан социализм ва коммунизм қурилишининг барча соҳаларида улуғ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати раҳбарлиги остида эришилган ғоят катта ютуқларни ўз кўзимиз билан кўрдик. Биз совет халқининг хитой халқига нисбатан самимий дўстлигини жуда яхши биламиз. Биз мана шуларнинг ҳаммасини совет халқининг энг қимматли совғаси сифатида хитой халқига гапириб берамиз.

Бизга нисбатан кўрсатилган дўстона муносабатлар учун 600 миллионлик хитой халқи номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, СССР Олий Советига, Совет ҳукуматига, Москва шаҳар партия комитетига, меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Советига ва бутун совет халқига самимий миннатдорчилик билдиришимга ва ижодий меҳнатда сизларнинг ҳаммангизга янги муваффақиятлар тилашимга яна бир марта рухсат этгайсиз.

Бутун совет халқига унинг ижодий меҳнатида янги муваффақиятлар тилайман!

Яшасин Совет Иттифоқи ва Хитой халқлари ўртасидаги абадий ва бузилмас дўстлик!

Яшасин Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик мамлакатларнинг бирлиги!

Яшасин улуғ совет халқи!

Яшасин Москва билан Пекин ўртасидаги дўстлик!

Яшасин бутун дунёда тинчлик!

Хайр, қимматли ўртоқлар ва дўстлар!

Кузатиб қолувчилар Пин Чжэньга ва унинг ўринбосарлари Ли Цзишанга, Чэн Цянга, Чжан Бо-цзюнга, Ху Цзи-анга ва делегациянинг бошқа аъзоларига гулдасталар тақдим қиладилар, қўл қисишиб дўстона хайрлашадилар, бир-бирларини қучоқлайдилар ва ўпадилар.

Самолёт осмонга парвоз қилади ва Прагага қараб йўл олади. (ТАСС).

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони

„Правда Востока“ редакцияси ходимларини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлаш тўғрисида

«Правда Востока» газетасининг ўн мингинчи сони чиққанлиги муносабати билан кўп йиллик ва самарали ишлари учун қуйидагилар Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлансинлар:

1. **Абаев** Чермен Григорьевич — пропаганда бўлимининг мудири.
2. **Адамович** Вячеслав Викторович — Фарғона область бўйича махсус мухбир.
3. **Аксенов** Валентин Александрович — старший корректор.
4. **Брагинская** Софья Ильинична — корректор.
5. **Димов** Георгий Васильевич — маданият ва турмуш бўлимининг мудири.
6. **Дмитриева** Нина Николаевна — корректор.
7. **Дюммель** Фридрих Рудольфович — махсус мухбирлар тармоғи бўлимининг мудири.
8. **Есенина** Татьяна Сергеевна — адабий ходим.
9. **Костиков** Иван Капитонович — масъул секретарь.
10. **Кудрявцев** Владимир Николаевич — саноат бўлимининг мудири.
11. **Кузнецова** Клавдия Яковлевна — хатлар бўлимининг мудири.
12. **Логинова** Ольга Николаевна — кутубхоначи.
13. **Ляховский** Михаил Исаакович — Тошкент области бўйича махсус мухбир.
14. **Максакова** Елезавета Герасимовна — собиқ стенографистка.
15. **Меликянц** Георгий Георгиевич — адабиёт ва санъат бўлимининг мудири.
16. **Михайлов** Владимир Гаврилович — адабий секретарь.
17. **Немова** Феодосья Федоровна — уборщица.
18. **Носова** Марфа Яковлевна — собиқ курьер.
19. **Обухова** Мария Алексеевна — машинистка.
20. **Перцова** Ирина Яковлевна — корректор.
21. **Пименова** Анастасия Федоровна — кутубхона мудири.
22. **Подрядова** Зоя Григорьевна — корректор.
23. **Помрих** Раиса Ивановна — адабий ходим.
24. **Попондопуло** Владимир Георгиевич — Самарқанд области бўйича махсус мухбир.
25. **Савчук** Павел Иванович — редактор ўринбосари.
26. **Сигалов** Иосиф Матвеевич — қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири.
27. **Сорокина** Зина Германовна — хатлар бўлимининг ҳисобчиси.
28. **Трактовенко** Александр Моисеевич — випускаючий.
29. **Черник** Степан Семенович — редактор.
30. **Шахназаров** Петр Александрович — рассом.
31. **Шиловер** Абрам Яковлевич — партия турмуши бўлимининг мудири.
32. **Фельд** Розалия Яковлевна — корректор.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1956 йил 17 ноябрь, Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони

„Правда Востока“ газетасининг ишчи ва қишлоқ мухбирларини Узбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлаш тўғрисида

«Правда Востока» газетасининг ўн мингинчи сони чиққанлиги муносабати билан, кўп йиллик ва самарали ишлари учун Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан **мукофотлансинлар:**

1. **Бабич** Анатолий Павлович — Сурхондарё областидаги Узун МТСнинг директори.
2. **Баратов** Фахриддин — Самарқанд область кутубхонасининг директори.
3. **Платунов** Павел Александрович — Ўзбекистон сабзавот картошка станциясининг Самарқандаги таянч пункти агрономи.
4. **Строев** Георгий Ильич — пенсионер.
5. **Тошматов** Шерали — Наманган область, Поп районида ўқитувчи.
6. **Ҳамдамов** Раҳим — Самарқандаги Ленин номли завод қуюв цехининг ёрдамчи ишчиси.
7. **Ҳасанов** Ражаб — Самарқанд область, Пастдарғом районидаги «Колхозчилар товуши» газетасининг масъул секретари.
8. **Шапиро** Борис Давидович — Ташсельмаш заводининг слесари.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1956 йил 17 ноябрь, Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони

„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“, „Узбекистони сурх“ босмахонаси ва Бирлашган нашриёти ходимларини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлаш тўғрисида

«Правда Востока» газетасининг ўн мингинчи сони чиққанлиги муносабати билан кўп йиллик ва самарали ишлари учун қуйидагилар Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлансинлар:

1. **Азимов** Ҳайдар — печатник.
2. **Архангельский** Василий Федорович — директор.
3. **Белин** Алексей Александрович — мастер.
4. **Богданов** Николай Александрович — цех бошлиғининг ўринбосари.
5. **Буравлев** Степан Васильевич — цех бошлиғи.
6. **Бекашев** Шамил Исамович — верстальщик.
7. **Варламов** Алексей Федорович — мастер.
8. **Бутелькин** Михаил Саломонович — директор ўринбосари.
9. **Гессельберг** Пейхас Левинович — қоғоз бўлимининг мудири.
10. **Герасимова** Анастасия Сергеевна — мастер.
11. **Горбатенко** Владимир Яковлевич — цех бошлиғи.
12. **Долгова** Прасковья Андреевна — печатник.
13. **Дмитриева** Екатерина Ивановна — шахсий стол мудири.
14. **Дубовицкий** Дмитрий Васильевич — цех бошлиғи.
15. **Игнатьев** Петр Георгиевич — верстальщик.
16. **Карташев** Анатолий Семенович — смена техника раҳбари.
17. **Коновалов** Митрофан Андреевич — цех бошлиғи.
18. **Конюшенко** Татьяна Федоровна — линотипчи.
19. **Леонтьев** Федор Михайлович — директор ўринбосари.
20. **Мандровский** Александр Алексеевич — верстальщик.
21. **Малиновская** Клара Константиновна — линотипчи.
22. **Мазор** Аким Борисович — директор ўринбосари.
23. **Музаффаров** Тўлаш — мастер.
24. **Мўминов** Билол — мастер.
25. **Попова** Евдокия Семеновна — қабул қилувчи.
26. **Павленко** Матвей Иванович — механик.
27. **Раҳимхўжаев** Раҳматилла — стереотипчи.
28. **Светуньков** Василий Поликарпович — цех бошлиғи.
29. **Султонов** Ҳайдар — масъул ижрочи.
30. **Султонова** Ольга Степановна — курьер.
31. **Тулузаков** Михаил Андреевич — бош бухгалтер.
32. **Турсунов** Мустақим — травильщик.
33. **Фаизов** Саид Ҳафизович — стереотипчи.
34. **Хилов** Павел Дмитриевич — стереотипчи.
35. **Швец** Александр Васильевич — мастер.
36. **Чигиринцева** Зинаида Максимовна — сектор мудири.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1956 йил, 17 ноябрь. Тошкент шаҳри.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЁЗУВЧИ Н. С. ТИХОНОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТУҒРИСИДА

Ёзувчи Н. С. Тихонов туғилган кунининг олтмиш йиллиги муносабати билан ва унинг совет адабиётини ривожлантиришдаги ғоят катта хизматларини тақдирлаб, ўртоқ Николай Семёнович **Тихонов Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари А. ГОРКИН.

Москва, Кремль. 1956 йил 1 декабрь.

Тошкент область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетида

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг бюроси пахта териш ва тайёрлаш юзасидан районлар, МТС ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг якунини кўриб чиқиб, **қарор қилдилар:**

1. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Октябрь районида** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Муҳамедов,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Қодиров**) қолдирилсин. Бу район социалистик мусобақада энг яхши кўрсаткичларга эришиб, 26 ноябрдан 1 декабргача 1,28 процент миқдорида пахта тайёрлаган, пахта топшириш юзасидан олган мажбуриятини 102,85 процент бажарган, топширилган пахтанинг сифати яхши бўлган.

Область ижроия комитети ва область партия комитети **Бекобод, Калинин** ва **Оҳангарон** районларидаги колхозларнинг ноябрь ойи олтинчи беш кунлигида яхши ишлаганликларини қайд қилдилар.

КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг табригига қишлоқ хўжалигини юксалтиришда янги муваффақиятларга эришиш билан жавоб берайлик

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Коммунистлар пахтачиликни юксалтириш учун курашнинг биринчи сафларида бормоқдалар

С. НУРИДДИНОВ,
Узбекистон КП Тошкент область комитетининг секретари

Совет Иттифоқининг энг катта пахтакор областларидан бири — Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ажойиб ғалабани қўлга киритдилар. Улар муддатидан илгари, Узбекистонда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажардилар. **Давлатга бутун 1955 йил мобэйнида топширилган пахтага нисбатан 70 минг тонна кўпроқ, яъни 455 минг тонна пахта топширилди.** 190 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 24 центнердан, яъни ўтган йилдагига нисбатан 3,6 центнердан кўп ҳосил йиғиб олинди. Топширилган пахтанинг 86 процентидан кўпроғи биринчи сортга қабул қилинди.

Область колхозлари бу йил бошқа экинларни етиштиришда ҳам катта муваффақиятларга эришдилар. Улар давлатга 115 минг тонна каноп пояси ва жут пояси топшириб, планни 131 процент бажардилар. Ана шу муҳим техника экининнинг ҳосилдорлиги гектарига 1955 йилдаги 37 центнер ўрнига бу йил 55 центнерга етди. Область колхоз ва совхозлари бу йил картошка, сабзавот, узум етиштиришни анча кўпайтирдилар ва бу маҳсулотларни тайёрлаш ҳамда харид қилиш давлат планини анча ошириб бажардилар. Колхозларда пилла етиштириш ўтган йилдагига нисбатан икки баравардан кўпроқ ошди. **Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўсиши билан колхозлар ва колхозчиларнинг даромадлари ҳам ошди. Фақат бир йилнинг ўзидагина область колхозларининг даромадлари бир ярим баравардан зиёдроқ кўпайди.** Кўпгина қишлоқ хўжалик артеллари ишлаб чиқариш бинолари, маданий-маиший муассасалар, ўй-жой бинолари қуришни кенг авж олдириб юбордилар. Бу йил колхозлар ҳисобига областда 3 минг уй, 50 мактаб, 550 чорва бинолари, 1100 силос иншоотлари ва бошқа кўпгина ишлаб чиқариш объектлари қурилди ёки қурилмоқда. Колхозларда якка тартибда уй қуриш оммавий тусга кириб кетди. Қишлоқларнинг қиёфаси кун сайин ўзгариб бормоқда.

Узбекистон меҳнаткашларининг давлатга 3 миллион тонна пахта топшириш учун курашида Тошкент области пахтакорларининг ҳиссаси катта. Улар бу йил пахтачиликни ривожлантиришда олга қараб катта қадам қўйдилар. КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрущев ва СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Булганин иштирокида Тошкентда ўтказилган кенгашлар пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Область колхоз ва совхозлари ана шу кенгашларда ишлаб чиқилган тавсияларни амалга ошириб, бу йил чигитни тор қаторларга квадрат-уялаб экишга қатъий ўтдилар ва экинларни механизмлар ёрдами билан икки томонлама ишладилар. Ғўза парваришида янги агротехникани жорий қилиш, механизациядан фойдаланиш колхозчилар ва совхоз ишчиларининг меҳнатини анча енгиллаштирди, дала ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш имкониятини берди, мўл ҳосил етиштиришни таъминлади.

Ғўза парваришининг янги системасига ўтиш партия комитетларидан ташкилотчилик ва сиёсий ишларни яхшилашни талаб этди. Ихтисосли механизатор кадрлар тайёрлашга, техникадан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилди. 15 мингдан ортиқ механизаторлар, агрономлар, колхоз ва совхоз раҳбар кадрларига ғўзани ишлашнинг янги усуллари ўргатилди.

Область партия ташкилоти бу йил иқтисодий жиҳатдан қолоқ колхозларни илғорлар даражасига етказишга кўп эътибор берди. Бу — пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари, шунингдек чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришнинг катта резервидир, деб биламиз. Бундай хўжаликларни раҳбар кадрлар ва қишлоқ хўжалик мутахассислари билан мустаҳкамлаш чоралари кўрилди.

Колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришига фан ва илғор тажриба муваффақиятларини кенг жорий қилиш, кадрларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши конкрет экономикаси масалалари бўйича билимлар билан қуроллантириш партия ишининг энг муҳим участкаси бўлиб қолди. Шу йилнинг май ойида область партия комитети пухта тайёргарликдан кейин махсус пленум ўтказиб, бу пленумда колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда меҳнат унумдорлигини ошириш ва харажатларни камайтириш масалаларини муҳокама қилди. Пленум илғор колхозлар, машина-трактор станциялари ва совхозларнинг бу соҳадаги иш тажрибаларини умумлаштириб, ишлаб чиқариш харажатларини янада қисқартириш резервларини аниқлади. Район партия комитетларининг пленумларида ҳам ана шундай масалалар кўриб чиқилди.

Иқтисодий конференциялар — активларнинг иқтисодий билимини оширишнинг, қишлоқ хўжалигидаги илғор тажрибани умумлаштириш ва оммалаштиришнинг энг яхши формаси бўлди. Ўртасарой, Оққўрғон, Оржоникидзе ва бошқа районларда, шунингдек кўпгина МТС ва совхозларда республика илмий муассасалари ходимларининг активи ёрдами билан ана шундай конференциялар бўлиб ўтди.

Бу йилнинг дастлабки якунлари шуни кўрсатадики, кўпчилик колхозларда маҳсулот единицасини ишлаб чиқаришга сарфланадиган меҳнат ва маблағ анча камайди, меҳнат унумдорлиги сезиларли даражада ошди. Тўла бўлмаган маълумотларга қараганда норма ва баҳоларнинг қайта кўриб чиқилиши, маъмурий-бошқариш аппаратларининг штатларини қисқартириш натижасида область қишлоқ хўжалик артеллари маҳсулот етиштиришни ошириш билан бирга, 6 миллиондан кўпроқ меҳнат кунини тежаб қолишга эришдилар.

Омманинг меҳнат соҳасидаги активлигини оширишда, илғор тажрибани оммалаштиришда социалистик мусобақа катта роль ўйнади. Илғор қишлоқ хўжалик артеллари, совхозлар, машина-трактор станциялари қолоқ колхоз, совхоз ва МТСлар билан мусобақалашиб, уларга системали равишда ўз тажрибаларини ўргатдилар ва шу йўл билан бу хўжаликларнинг юксалишига ёрдам бердилар.

Колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари катта майдонларда мўл пахта ҳосилини етиштириш учун кўпгина меҳнат сарфладилар. Пахта терими арафасида партия ташкилоти олдида жанговар вазифа — меҳнаткашларни пахта териш ва тайёрлашни муваффақиятли ўтказишга сафарбар этиш вазифаси турар эди. Кўпчилик колхоз ва совхозларда социалистик мусобақа кенг авж олдириб юборилганлиги туфайли дастлабки кунлардаёқ пахта тез суръатлар билан терилиб давлатга топширила бошлади. Бу эса асосий ҳосилни жуда қисқа муддат ичида териб олиш ва уни юқори сортлар билан топшириш имкониятини берди.

Ҳосилни териб олиш вақтида кўпгина колхозчилар, совхоз ишчилари, пахта териш машиналарининг ҳайдовчилари фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Мингга яқин теримчининг ҳар бири 10 минг килограммдан кўпроқ пахта териб берди. Пискент районидаги Сталин номли колхознинг аъзоси Шохибахон Гулаҳмонова 20 тоннадан кўпроқ, Бўка районидаги Хрушчев номли колхоз аъзоси, комсомол Саодат Гулаҳмедова эса 30 тоннадан кўпроқ пахта тердилар. Кўпгина пахта териш машиналарининг ҳайдовчилари юксак меҳнат унумдорлигига эришдилар. Пахта МТСидан Турсуной Охунова ва Николай Железняков, «Узбекистон ССР беш йиллиги» совхозидан Ридван Давлетов, Бўка МТСидан Қурол Бўронов техникадан унумли фойдаланиш намуналарини кўрсатдилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Пахта теришда Узбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари, республиканинг Чирчиқ, Бекобод, Оҳангарон, Одмалиқ, Янгийўл сингари шаҳарларининг меҳнаткашлари актив қатнашдилар.

Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз, Сирдарё районидаги Охунбобоев номли, Ўртасарой районидаги «Полярная звезда», Оржоникидзе районидаги «Қизил Узбекистон» ва бошқа кўпгина колхозлар ҳосил учун курашда зўр уюшқоқлик кўрсатдилар. Бу колхозлар ҳар гектар ердан 35-40 центнердан ва ундан кўпроқ пахта териб олдилар. Оржоникидзе районининг ҳамда Мирзачўлда жойлашган Сирдарё районининг партия ва совет органлари ишини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Бу районларнинг партия ва совет ташкилотлари меҳнаткаш деҳқонларни пахта етиштиришни кўпайтиришга сафарбар этиб, областда энг юқори пахта ҳосили олишга эришдилар. Оржоникидзе районида ҳар бир гектар ердан олинган пахта ҳосили ўртача 38 центнерга, Сирдарё районида эса 27,5 центнерга етди. Шу кунларда область колхоз ва совхозларида пахта терими давом этмоқда. Область меҳнаткашлари жуда қисқа муддат ичида даладаги ҳамма ҳосилни йиғиб-териб олишга ҳаракат қилмоқдалар.

Партия, совет, комсомол, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органлари ишини КПСС XX съезди талаблари руҳида қайта қуриш натижасида колхоз ва совхозлар пахта етиштиришни кўпайтиришга эришдилар. Сўнгги йилда бошланғич партия ташкилотларининг роли анча ошди, активларнинг хўжалик-сиёсий вазифаларни ҳал этиш учун масъулияти ортди. Область, шаҳар ва район партия комитетларининг аъзолари, комсомол комитетларининг аъзолари, маҳаллий Советларнинг депутатлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш учун курашга бевосита иштирок этдилар. Қишлоқда ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларнинг савияси оширилди. Оммавий-сиёсий ишлар дала шийпонларига, бригадаларга кўчирилди.

Область партия ташкилоти шу нарсани яхши биладики, қўлга киритилган муваффақиятлар — партия XX съезди тарихий қарорларини бажариш учун кураш соҳасида қўйилган дастлабки қадамларгинадир. Бу йилги тажриба шуни кўрсатдики, колхозлар, совхозлар ва машина-трактор станциялари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш учун ғоят катта имкониятларга эгадирлар. Аммо бу имкониятлардан тўла фойдаланилмаётир. Кўпгина совхозлар техника билан яхши қуролланган бўлишларига қарамай, ҳали ҳам пахтадан кам ҳосил олаётирлар. Бу уларнинг пахтачилик соҳасидаги катта резервларни тўла ишга солмаётганликларини яққол кўрсатиб турибди. Областдаги айрим колхозлар ҳам пахта етиштиришда орқада қолмоқдалар.

Чорвачиликнинг шу вақтгача кўнгилдагидек даражада эмаслиги ҳам ишимиздаги жиддий камчиликлардан биридир. Колхозлар ҳар юз гектар ер ҳисобига гўшт етиштириш ишида айниқса орқада қолмоқдалар. Колхоз ва совхозларда нарранчилик ҳали ҳам кенг ривожланмаган. Областимизда деҳқончилик маданиятини кўтариш, айниқса пахта ва беда алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш ишида, суғориладиган ерлардан тўлароқ фойдаланиш, шунингдек ҳар бир колхоз ва совхознинг конкрет шароитларига қараб агротехникани дифференциал тарзда қўлланиш соҳасида кўпгина ишлар қилиш керак.

Партия ташкилоти ўз олдида турган барча вазифаларни муваффақиятли ҳал этишни таъминлаш учун ана шу камчиликларни ва ишдаги бошқа камчиликларни тугатиш юзасидан чоралар кўрмоқда. Ҳозир партия ташкилотининг эътибори пахта теримини жуда тез тугаллашга, кузги шудгор планини бажаришга, шунингдек чорва қишловини намунали ўтказишга қаратилган.

(«Правда» — 3 декабрь).

Суратларда: 1. Юқори Чирчиқ районидаги Андреев номли колхознинг бригада бошлиғи **Н. Имомов.** У бошлиқ бригада аъзолари бу йил ўтган йилга қараганда анча мўл ҳосил етиштирдилар. 2. Бўка районидаги Ленин номли колхознинг илғор теримчиси **Н. Шаропова.** Ўртоқ Н. Шаропова пахта териш юзасидан олган социалистик мажбуриятини ортиғи билан бажарди. 3. Боёвут районидаги Карл Маркс номли колхознинг илғор бригада бошлиғи **Ф. Отаев.** У бошлиқ бригада аъзолари 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта топширдилар. 4. Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхознинг бригада бошлиғи **А. Шерматов.** Унинг бригадаси пахта теримини уюшқоқлик билан ўтказиб, 85 гектар ернинг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил топширди.

В. Салов фотолари.

Қўшимча мажбурият юзасидан пахта топширмоқдалар

Сирдарё районидаги «XVIII партконференция» колхозининг аъзолари пахта йиғим-теримини зўр уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар. Маълумки, бу колхоз аъзолари пахта тайёрлаш юзасидан белгиланган давлат планини районда биринчи бўлиб бажарган, гектаридан 31,5 центнердан пахта топширган эдилар.

Айрим бригада ва звеноларда айниқса юқори ҳосил етиштирилди. Ўртоқ Ж. Усмонов бошлиқ бригада аъзоларининг меҳнат соҳасида қўлга киритган ютуқлари ҳаммани қувонтиради. Бу бригада 50 гектар майдонда пландаги 28 ўрнига 36 центнердан пахта топширди. Э. Тошмуродов, Ф. Турсунов ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари эса гектаридан олинадиган ҳосилни 40 центнерга етказиш учун астойдил курашмоқдалар.

Социалистик мажбуриятни ортиғи билан бажариб, давлатга қўшимча равишда яна 100 тонна пахта етказиб бериш учун фидокорона меҳнат қилаётган бу илғор колхоз аъзолари терим ишларини муваффақиятли якунлашмоқдалар. Колхозчилар кўрак териш ва чувишни давом эттириш билан бирга кузги шудгор ишларини ҳам қизитиб юбордилар. Шудгор қилишдан олдин ерга солиниши керак бўлган маҳаллий ва минерал ўғитлар жойларга ташиб келтирилмоқда. Трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ишга тахт қилиб қўйилган.

Ч. ИЛЁСОВ.

Пешқадам районда шудгор қилишга эътибор берилмаётир

Ўртасарой районининг колхозчилари, механизаторлари пахта тайёрлаш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Ўтган йилга нисбатан ҳосилни ҳар гектаридан 5 центнердан оширдилар. Бунга ўтган йил барча пахта майдони сифатли шудгор қилингани туфайли эришилди. «Полярная звезда» колхози чигитни шудгор қилинган ерга эккани сабабли ҳосил барвақт етилди. Колхоз 1 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 центнердан пахта топширишга муваффақ бўлди. «Полярная звезда» колхозининг аъзолари бу йил ҳам ерларни барвақт ва сифатли шудгорлашга катта эътибор бермоқдалар. Ҳозиргача 1 минг гектардан ортиқ ер шудгор қилиб қўйилди.

Кузги шудгор мўл ҳосилнинг пойдеворидир. Шунга қарамасдан юқори ҳосилли ва илғор райондаги бир қатор колхозларнинг раҳбарлари шудгорлашга эътибор бермаётирлар. Свердлов номли колхоз правлениеси шудгор қилишни 20 декабргача туталлашни планлаштирган. Бироқ, далада қолган кўракни жалд териб олиб, ерларни ғўза поясидан тозалаш ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Шу сабабли 140 гектар ер ғўзапоядан тозаланган, ҳолос. Ваҳоланки 500 гектар майдондаги ҳосил тўла териб олинган.

2-МТС колхозларнинг 8 минг гектар ерини шудгор қилиб бериши керак. Шундан 4255 гектари пахта майдони ҳисобланади. МТС зонасидаги колхозларда 1393 гектар ер шудгор қилинган. 1300 гектарга бўлса ҳам, ерлар тозаланмаслиги орқасида шудгор кечикаётир. Буденний номли колхозда ерларни ғўзапоядан тозалаш яхши ташкил этилмаган. Тракторларни унумли ишлаши учун карталар бир йўла тозалаб чиқилмай, чала-чулпа ташлаб кетилади. Оқибатда тракторлар унумли ишлайолмаётир.

МТС раҳбарлари тракторларнинг унумли ишлашини таъминламаётирлар. Баъзи тракторлар сифатсиз ремонт қилинган. Жданов номли колхозда хизмат қилаётган ўртоқ Г. Меншин бригадасининг 3 та трактори 2-3 кунлаб бекор туради. МТС дирекцияси трактор бригадаларига техника ёрдами уюштирмаган. Свердлов номли колхозга хизмат қилаётган Каримов, Дусанбоев ўртоқлар бошлиқ бригаданинг тракторлари ҳам шу хилда унумсиз ишламоқда.

1-МТС зонасидаги колхозларнинг раҳбарлари кўракни тез териб олиб, ерни ғўзапоядан тозалашни пухта ташкил этматанлар. МТС зонасидаги кўпчилик колхозда шудгорлашга масъулиятсизлик билан қаралаётганидан 30 ноябргача фақат 274 гектар пахта майдони шудгор қилинган.

Район партия комитети, район ижроия комитети ва МТСларнинг раҳбарлари бутун кучни қолган ҳосилни йиғиб-териб олишга сафарбар этиш билан, кузги шудгорни барвақт ва юқори сифатли ўтказиш тадбирларини кўришлари зарур.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Конституция кунини муносиб нишонлаш учун

Ўртоқ Ж. Тоиров бошлиқ бригада Бўка районидаги Охунбобоев номли колхознинг илғор, юқори ҳосилли бригадаларидан ҳисобланади. Бригада аъзолари бу йил 51 гектар ерда ғўза ўстирган эдилар. Ғўзалар ўз вақтида, қулай агротехника муддатларида парвариш қилинганлиги туфайли мўл ҳосил тўпланди. Пахта йиғим-терими даврида ишга яроқли кучларнинг барчаси теримга сафарбар қилиниб, ўзаро социалистик мусобақа кучайтирилди. Бу ва шу каби тадбирларнинг амалга оширилгани учун бригада аъзолари меҳнатда яхши натижаларга эришдилар. Бригада аъзолари планни октябрнинг дастлабки кунларидаёқ 102 процентга етказиб бажарган, яъни ҳар гектар ердан давлатга 22,5 центнердан пахта топширган эдилар. Бу ютуққа эришишда мавсумда 10-12 тоннадан пахта терган илғор колхозчилардан М. Азимова, Н. Хўжамова, С. Тоирова каби ўртоқларнинг ҳиссаси катта бўлди. Улар ҳозир ҳам ғайрат билан ишлаб кунига 80-90 килограммдан кўрак термоқдалар.

Меҳнатсевар пахтакорлар СССР конституцияси куни — 5 декабрни меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун ҳаракат қилиб, далада қолган ҳосилнинг сўнгги граммигача ҳеч нобуд қилмай тез кун ичида йиғиб-териб олиш ва шудгорлаш ишларини кенг кўламда кучайтириб юбориш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар.

А. НУРМАТОВ.

Биз колхозда пенсия тўлашга қандай қилиб эришдик

Илғор колхозлар пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини тобора ошириш, чорвачиликни тинмай ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини кўпайтириш соҳасида йил сайин янгидан-янги муваффақиятларга эришаётирлар. Ана шундай илғор коллектив хўжаликларнинг экономикаси тобора мустаҳкамланаётир.

Демак, хўжалик яхши ривожлангач колхоз ҳар қандай тадбирларни амалга ошириш имкониятига эга бўла олади. Эндиликда ҳар хил жамоат бинолари, чорвачилик ва маданий-маиший эҳтиёж учун турли қурилиш ишларини амалга ошириш мумкин бўлиб қолмоқда. Ҳосил ошиб, даромад яхшиланаётганлиги туфайли биз кексайиб қолган эр ва аёл колхозчиларга, вақтинча иш қобилиятини йўқотган кишиларга, ўғли Совет Армияси сафида хизмат қилаётган кекса ота-оналарга пенсия тўлашни ташкил қилдик. Биз бунга қандай қилиб эришдик?

Колхоз йириклашиб, ишлаб чиқаришда илғор агротехника усулларини кенг қўллай бошлаганимиздан кейин колхозимиз тез юксала бошлади. Кўп тармоқли хўжаликдан миллион сўмлаб даромад оладиган бўлдик.

Хўжалигимизда пахтачилик асосий тармоқ ҳисобланади. Бу йил биз 1235 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта топшириб, пахтачиликнинг ўзидан 10 миллион сўм даромад олишни мўлжаллаган эдик. Натижа бундан ҳам яхши бўлиб чиқди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг пахта етиштириш ва тайёрлашни моддий жиҳатдан рағбатлантиришни янада ошириш тадбирлари тўғрисидаги қароридан кейин даромадимиз талайгина кўпайди. Шу қарордан кейин биринчи сорт пахтанинг ҳар тоннасига 3500 сўм, иккинчи сорти учун 3000 сўмдан пул олмоқдамиз. Шунингдек, учинчи ва тўртинчи сорт пахта нархлари ҳам ошди.

Бу йил биз ҳар гектар ердан 33 центнердан пахта топширдик. Пландан ташқари топширилган пахта учун колхоз 1 миллион сўмга яқин устама мукофот олди. Буларнинг ҳаммаси бу йил бирғина пахтачиликнинг ўзидан 15 миллион сўмдан зиёд даромад олиш имконини берди. Пахтачиликдаги ишлар учун МТС-га туланадиган натура ҳақининг камайтирилганлиги туфайли колхозимиз 400 минг сўмга яқин маблағни тежади. Хўжаликнинг чорвачилик, пиллачилик, сабзавотчилик сингари бошқа тармоқларидан ҳам бир неча миллион сўм даромад олинди.

Колхоз экономикасининг ўса бориши натижасида колхозчилар меҳнат кунининг салмоғи ҳам ортди. Агар 1951 йилда ҳар бир меҳнат кунига 9 сўм 33 тийиндан пул ва 2 килограммдан ғалла тақсимланган бўлса, 1955 йилда эса 11 сўм 53 тийиндан пул ва 2,4 килограммдан ғалла тақсимланганди. Бу йил ҳар бир меҳнат кунига 14 сўмдан пул, 3,5 килограммдан ғалла ва ярим килограммдан шоли беришни планлаштирдик. Пахта етиштириш ва тайёрлашнинг моддий жиҳатдан рағбатлантиришни янада ошириш тадбирлари тўғрисидаги қарор чиқарилгандан кейин қайта ҳисоблаб кўрганимизда, ҳар бир меҳнат кунига камида 20 сўмдан ҳақ тўлай олишимиз маълум бўлди. Бу эса колхозимиз иқтисодий қувватининг ошганлигини, колхоз аъзоларининг моддий фаровонлиги яхшиланганлигини кўрсатади.

Эндиликда, колхозимиз мустаҳкам иқтисодий базага эга бўлган бир вақтда артель хўжалигининг ветеранлари ҳисобланган кекса колхозчиларни ва инвалидларни моддий жиҳатдан яхши таъминлай оламиз.

СССР Конституциясининг 120-моддасида бундай дейилган: **«СССР гражданлари қариган чоғида, шунингдек касал бўлган ёки меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганда, моддий таъминот олиш ҳуқуқига эгадирлар».** Ана шу қонунга амал қилиб биз, кекса колхозчиларни ва колхозда ишлаб юриб меҳнатга яроқсиз бўлиб қолган аъзоларини колхоз моддий жиҳатдан таъминлаши керак, деган қарорга келдик. Биз колхозчиларга пенсия бериш тўғрисида низомни ишлаб чиқдик ва уни умумий йиғилишда тасдиқладик.

Низомга мувофиқ, якка ўзи яшовчи кекса колхозчиларни, қариган ва колхозда ишлаб меҳнатга яроқсиз бўлиб қолган колхозчиларни моддий жиҳатдан яхшироқ таъминлаш мақсадида уларга ҳар ойда 200 сўм миқдорида шахсий пенсия тайинланди.

Бундан ташқари, уларга ҳар ойда 32 килограммдан ғалла ва икки килограммлан ёғ бериб турилади. Колхоз правлениеси шахсий пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган кишиларнинг рўйхатини ҳар йили белгилаб туради. Агар 1954 йилда 15 киши пенсия олган бўлса, 1955 йилда 19 кишига пенсия берилди. Бу йил эса 20 киши пенсия олмоқда. Инвалид Фозил Делов ва ўғли Совет Армиясида хизмат қилаётган 80 ёшли Саидаҳмад Саидов кўп йиллардан буён пенсия оладилар. Колхозчи Шарофат Исломова, Ёдгор Бобожоновалар кўп йиллик ҳалол меҳнатлари туфайли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Пенсия олаётган баъзи инвалидлар ҳали ҳам колхоз жамоат хўжалигида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Масалан, Ватан уруши инвалиди Яхё Шарипов бухгалтер ёрдамчиси бўлиб ишлаётир. У 700 га яқин меҳнат куни ишлади.

Бундан ташқари, касаллик туфайли вақтинча ишга яроқсиз бўлиб қолган колхозчиларга бутун касаллик даврида олдинги ойдаги иш ҳақининг 80 проценти миқдорида нафақа тўланади. Колхозда 20 йилдан ортиқ меҳнат қилган колхозчилар касаллик даврида олдинги ойдаги иш ҳақининг юз проценти миқдорида ҳақ оладилар. Шу йилнинг уч квартали давомида вақтинча ишга ярамай қолган кузлари учун 29 киши ҳақ олди. Уларга жами 225 меҳнат куни ёзилди.

Янги Уставда аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш даврида ўртача ойлик иш ҳақи сақлангани ҳолда 4 ой отпуска бериш кўзда тутилади.

Бундан ташқари, колхоз ишлаб чиқаришида астойдил қатнашиб меҳнат куни минимумини бажарган кишиларга, яъни камида 250 меҳнат куни ишлаган эркакларга, камида 200 меҳнат куни ишлаган ёш болали аёлларга ва 120 меҳнат куни ишлаган ўсмирларга ўртача ойлик иш ҳақи сақлангани ҳолда ҳар йили 24 кунлик меҳнат отпускаси берилади.

Колхоз пенсияларни ва вақтинча ишга яроқсизлик учун нафақаларни ҳамда аёлларнинг ҳомиладорлик ва туғиш отпускаси ҳақини қандай маблағлар ҳисобидан тўлайди? Буларнинг ҳаммаси колхознинг ўзаро ёрдам кассаси маблағларидан тўланади.

Ўзаро ёрдам кассасининг маблағлари асосан колхоз олган фойдадан 1,5 процент миқдорида ҳар йили ажратиладиган маблағлардан, кассанинг ўзи ташкил қилган корхоналардан келадиган даромадлардан, шунингдек колхозчилар тўлайдиган кириш ҳақлари ва улардан ой сайин олинадиган ой миқдордаги пай ҳақларидан иборатдир. Ўзаро ёрдам кассаси оборотида кўп миқдорда ғалла бор. Биргина шу йилнинг ўзида колхоз даромадларидан касса фондига 100 минг сўмга яқин пул ва кўплаб ғалла ажратилади.

Колхозчилар ўзаро ёрдам кассасидан бошқа хил моддий ёрдам мақсадларида ҳам фойдаланадилар. Чунончи, кассадан колхозчиларга уйжой бинолари қуриш учун, қимматли буюмлар сотиб олиш учун ссудалар берилади. Айрим ҳолларда колхозчилар кассадан қайтариб бермаслик шарти билан ҳам ёрдам оладилар.

Колхозчиларга пенсия бериш ва уларнинг фаровонлигини ошириш йўлидаги бошқа тадбирлар колхоз ишига самарали таъсир кўрсатмоқда. Колхозчилар умум меҳнатига онгли муносабатда бўлган ҳолда пахтачиликни ривожлантириш, янги ерларни тобора кўпроқ ўзлаштириш, Мирзачўл ерларини унумдор воҳага айлантириш учун астойдил курашмоқдалар.

С. НАЗАРОВ,
Гулистон районидаги Молотов номли колхознинг раиси.

Область районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1956 йил 3 декабргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
Бўстонлиқ	0,08	114,44	Калинин	0,32	98,58
Оржоникидзе	0,16	111,66	Верхне-волинск	0,28	98,34
Пискент	0,17	111,61	Оҳангарон	0,16	96,83
Юқори Чирчиқ	0,10	110,60	Бекобод	0,41	95,20
Ўртасарой	0,15	106,67	Қуйи Чирчиқ	0,39	94,94
Сирдарё	0,14	104,25	Янгийўл	0,31	93,87
Октябрь	0,45	103,51	Чиноз	0,13	93,64
Мирзачўл	0,18	101,00	Оққўрғон	0,15	93,17
Гулистон	0,20	100,81	Боёвут	0,18	90,33
Бўка	0,09	100,59	Ўрта Чирчиқ	0,12	89,55

Илғор колхозларнинг муваффақияти

Гулистон районидаги Фрунзе номли, Бўка районидаги Ленин номли, Бўстонлиқ районидаги Маленков номли, «Қизил ту» колхозларининг аъзолари социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

Гулистон районидаги Фрунзе номли колхоз ҳар гектар ердан 28,8 центнердан, Бўка районидаги Ленин номли колхоз 25 центнердан пахта топширди.

Бу колхозларнинг аъзолари келгуси йил мўл ҳосили учун пахта замин тайёрлаш мақсадида кузги шудгор ишларини муваффақиятли ўтказаётирлар.

10000

„ПРАВДА ВОСТОКА“

10000

ОҒАМИЗ

Ўзбек совет ёзувчилари, ўзбек совет журналистлари ва умуман ўзбек зиёлилари ўзларининг ўсиб ошшъу-намо топиш тарихларида, яна тўғрироқ қилиб айтганимизда, ўзларининг биографияларида ютуқ ва тараққиёт, онг ва идрокнинг ривожланиши боблари да қайси бир фактни, қайси бир босқични олмасинлар, албатта бу шарафли ишларда партия ва совет матбуотининг баракали изларини, ижобий таъсирларини кўрадилар.

Бу мурабби — матбуотнинг шонли сафларида республикамизнинг энг кекса газетаси «Правда Востока» газетасининг ҳам жуда катта ва унутилмас хизматлари бўлган. Бу хизматлар — газетхонларнинг онг ва маърифатини ошириш, дунёда юз бериб турган ҳодисалар билан уларни таништириш, Коммунистик партиянинг, Совет давлатининг сиёсатини ва тадбирларини оммабоп қилиб тушунтириш, халқни навбатдаги вазифаларни бажариш йўлида сафарбар қилиш, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, идеологик жиҳатдан зарарли ва душман ғоялларга қарши мунтазам кураш олиб бориш, нуқсонларни, хатоларни, нотўғри фактларни шафқатсиз суратда фош қилиб ташлаш, адабиёт ва санъат, фан ва маданият соҳаларидаги янгиликларни, прогрессив майлларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, саноат ва қишлоқ хўжалигининг, айниқса пахтакорликнинг равнақи учун бетўхтов жанг олиб бориш ва ҳоказо, ҳоказоларда намоён қилинди.

Биз — совет интеллигенцияси, партиянинг очигини айтганимизда, ўзимизнинг «Правда Востока»мизга ҳудди қадимий бир дўстдай жуда одатланиб, иноқлашиб қолганмиз, десак муболаға қилган бўлмаймиз. Шу газетани бирор кун ўқий олмай қолсак, ёхуд кечикиброқ ўқисак, ўшанда умрнинг бир кунида қандайдир бир нарса етмагандай туюлади, гўё ҳаётимизнинг бир саҳифасида бир абзац тушиб қолгандай сезилади. Ҳа, яхши одатнинг маънавий қудрати шунчалик зўр!..

Бунинг важи шундаки, биз бу қадрдон газетамизда ҳар кун дунёнинг томир тепишини, жонажон Ўзбекистонимизнинг кундалик манзарасини кўришга ўрганиб келганмиз.

«Правда Востока» газетаси шарафли, революцион ва коммунистик традицияларга эга бўлган газетадир. Унинг биринчи муаллими албатта Ленин «Правда»сидир. Партиявий принципиаллик, ғоявийлик, ҳақиқатпарастлик, интернационалик анъаналарини у «Правда»дан таълим олди.

Газетамизнинг Тошкентда ҳам ўтмишдошлари бўлган. Булар 1917 йилда чиқиб турган «Наша газета», «Туркестанский коммунист» ва «Туркестанская Правда» газеталаридир. «Туркестанская Правда»нинг 1923 йил 1 январда чиққан биринчи сони «Правда Востока»нинг ҳам биринчи сони ҳисобланади. Чунки Туркистон (Ўрта Осиё)да миллий чегараланиш асосида янги Республикалар (Ўзбекистон ва Туркманистон иттифоқдош Совет Республикалари) тузилиши билан «Туркестанская Правда» Тошкентга мерос қолиб, Ўзбекистон Компартияси ва Ўзбекистон Совет ҳукуматининг нашр-афкори бўлиб қолди. Шу муносабат билан номи ҳам ўзгариб «Правда Востока» деб атала бошлади.

Демак, «Правда Востока» — «Туркестанская Правда»нинг бевосита давоми ва ворисидир.

Айтилгандай, 1923 йил 1 январда чиққан газетамизнинг биринчи сонига шу давр ичида тагин 9999 сон қўшилиб 32 йилдан кейин 10000 лик сони дунёга чиқдики, бу воқиа ўзбек халқи маданиятида ва матбуот тарихида катта аҳамиятга эгадир.

«Правда Востока» газетасининг ҳамма сонлари тикилган комплектларни кўриб чиққан ҳар киши, Совет Ўзбекистонининг ўсиш, юксалиш, гуллаш йўлига ҳамроҳдай ўзини сезади, халқимизнинг кураш ва ғалабалар тарихига бориб айланиб келган бир сайёҳдай қаноатланади. Дарҳақиқат, «Правда Востока» совет давридаги фидокорона ва ғолибона курашимизнинг ҳаққоний кўзгуси десак, ҳато қилган бўлмаймиз. Ўсиш ва курашларда, оғир ва машаққатли кунларда, шодиёна айёмларда ва тўйларда «Правда Востока» партиямизнинг, давлатимизнинг, халқимизнинг садоқатли хизматкорлиги вазифасини шараф билан бажариб келди.

«Правда Востока» ўзи ҳам замонанинг тажрибаси билан бойиб ўсиб, пухта ва ўткир қуролга айланди. Шу билан бирга, ўзбек тилида чиқиб турган ёш ва янги газеталарга бевосита ҳамда тажрибакор устоз — маслаҳатчи ролини бажариб келди. Шунинг учун ҳам ўзбек совет матбуоти, ўзбек матбуотчилари, журналист ва ёзувчилари «Правда Востока»ни «Оғамиз!» дейишга тўла ҳақлари бор. Буюк рус маданиятининг ва революцион матбуотчилигининг порлоқ анъаналарини Ўзбекистон шароитида татбиқ қилиб келган бу газета кўп масалаларда бизнинг газеталаримизга ҳам ибрат ва ўрнак ролини ўйнайди. Тасодифий эмаски, республикамизда чиқиб турган кўп газеталарнинг номларида ҳам «Правда» — «Ҳақиқат» қўшимчаси жаранглайди. Чунончи, «Тошкент ҳақиқати», «Марғилон ҳақиқати», «Қашқадарё ҳақиқати» каби... Демак, бизнинг кўп газеталаримиз ўзларининг оғалари «Правда Востока» билан адашдирлар. Чунки биз ҳаммамиз Ленин «Правда»сининг фарзандлари ва шогирдларимиз. Фарқи шундаки, «Правда Востока»ф фарзандлар ўртасида каттароғи, шогирдлар ўртасида эса — юқори синфда ўқувчи шогирд бўлиб келган.

Халқлар дўстлигининг, ленинча миллий сиёсатнинг жанговар ташвиқотчиси бўлган оғамизни бутун халқимиз севади ва ҳурматлайди. Унинг саҳифаларида қатнашиб турган авторлар, мухбирлар, газетхонлар қаторида русларни ҳам, ўзбекларни ҳам, тожик, яҳудий, қорақалпоқларни ҳам кўрамиз. Демак, газетамиз, ҳеч қандай муболағасиз пролетар интернационализминнг минбарига айланиб кетди. Шунинг учун ҳам «Правда Востока»нинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганлиги ҳаммамизни беҳад қувонтирди.

Илгари, қадим маҳалларда, Ўзбекистонда матбуотнинг ном ва нишонаси бўлмаган замонларда бирон янгиликни эшиттирадиган ягона воситачилар жарчилар бўлар эдилар. Аммо жарчининг овози бозордан ва ғўзардан нарига бормасди. Бизнинг матбуотимиз эса шундай жарчидирки, унинг юз мингдаб овози, ўлка бўйлаб майдони ва миллионлаб эшитувчилари бор. Бу миллионларга қараб хитоб қилувчи шонли жарчилардан бири бўлмиш дўстимиз, оғамиз ва мураббимиз «Правда Востока»га янгиянги ғалаба ва тагин кўп мингчи сонлар орзу қиламиз.

М. ШАЙХЗОДА.

„Правда Востока“ газетасига

«Тошкент ҳақиқати» газета редакциясининг коллективи «Правда Востока» газетасининг барча ходимларини, ишчи ва қишлоқ мухбирларини газетанинг ўн мингинчи сони чиққанлиги ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганлиги билан қизғин табриклайди.

Совет Шарқида ленинча миллий сиёсат ғалабасини таъминлаш учун кураш олиб борилган йилларда ташкил этилган «Правда Востока» Ўзбекистон меҳнаткашларини пролетар интернационализми ва халқларнинг қардошларча дўстлиги руҳида тарбиялаш ишида ғоят катта роль ўйнади.

Ўтмишда қолоқликда ва қоронғуликда қолиб келган ўлкани гуллаб-яшнаётган индустриаллашган ва колхозлашган социалистик республикага, Ватанимизнинг энг йирик пахтачилик базасига айлантиришдек буюк тарихий ишда газета бениҳоя катта роль ўйнади. «Правда Востока» газетаси республика меҳнаткашлар оммаси ўртасида рус халқининг илғор маданиятини тинмай пропаганда қилиб келди. Шу билан бирга газета Совет Ўзбекистонининг шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданиятини гуллаб-яшнатишда ҳам кўп иш қилди.

Большевистик матбуотнинг шонли традицияларига содиқ бўлган «Правда Востока» газетаси коллективига ўзининг катта ва олижаноб ишида янгидан-янги муваффақиятларга эришишини чин қалбимиздан тилаймиз. Шунга аминмизки, бизнинг оғамиз «Правда Востока» совет матбуоти байроғини — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съезди вазифаларини амалга ошириш учун кураш байроғини бундан буён ҳам баланд кўтариб боради.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газета редакциясининг коллективи.

МИРМУҲСИН.

Ўн минг шамчироғ

(«Правда Востока»га)

Сен бир «оинаий жаҳон» —
Кўрмоқ мумкин ер юзин.
Сен халқимга етказасан
Партия доно сўзин.

Сен зўр қурол. Ҳеч бир нарса,
Ҳеч бир яроғ тенг келмас.
Душманларга ўткир найза,
Курашларда енгилмас!

Сен ишчилар қадрдони,
Колхозчилар йўлдоши,
Шоирларнинг жонажони,
Мухбирларга ишбоши.

Сен қадрли «Правда»нинг
Туғишган укасисан.
«Қизил Ўзбекистон»—ининг;
Яъни сиз: ҳасан-ҳусан.

Сени ўқир оддий ишчи,
Ўқир академик ҳам...
Сени ўқир ҳар бир киши,
Сен ўқиш, ишда ҳамдам.

Хизматинг зўр, бебаҳодир,
Ишда йўлдош, ўртоқсан.
Ҳар бир сонинг — бир баҳодир,
Ун мингта шамчироғсан.

Сени қутлаб чин юрақдан,
Тўйингга ёздим қўшиқ.
Яна қуйлар айтгайман кўп
Тўйларингга ярашиқ.

„Правда Востока“ почтаси

«Правда Востока» — Ўзбекистонда чиқаётган кекса газеталардан биридир. Унинг хатлар бўлимига ҳар куни олтмиш-етмишлаб ҳар хил хатлар келиб туради.

— Биз, — дейди газетанинг хатлар бўлими мудири К. Я. Кузнецова, — ҳар куни меҳнаткашлардан почта орқали кўплаб хатлар олиб турамиз. Хатларнинг аксарияти республикамизнинг шаҳар ва районларидан, айримлари Совет Иттифоқининг турли жойларидан келади. Ҳатто чет эл мамлакатларидан ҳам баъзи-баъзида хат олиб турамиз.

Москвадаги 103-мактабнинг комсомоллари мактабда ташкил қилинган «Ҳалқлар дўстлиги» тўғараги учун уч-тўртта «Правда Востока» газетасини юборишни сўраганлар. Шунингдек Калинин область Лиҳой хуторидаги 1-мактаб пионерлари ўзларида ташкил қилинган «СССР-да матбуот» виставкаси учун газета юборишни илтимос қилганлар.

Редакция совет жангчиларидан ҳам хатлар олиб туради. Турли шаҳарларда хизмат қилаётган жуда кўп солдатлар яқинда хизматдан бўшашлари ва Мирзачўл ерларини ўзлаштиришда ҳисса қўшишни истаганликларини билдирганлар.

Яқинда Японияндан бир хат келди. Японияндаги «Мактаб дўстлари» клубининг аъзолари Тошкентдаги биронта клуб билан ўзаро алоқа қилиб туришни истаганларини ёзганлар.

«Правда Востока»га келаётган хатлар сон-саноқсиз ва хилма-хилдир. Фақат ўтган 1955 йилда газета 12 мингдан ортиқ хат олди. Тобора кўплаб келаётган хатлар «Правда Востока» газетасининг мухбирлари ўқувчи-газетхонлари ҳафта, ой, йил сайин кўпаяётганидан далолат беради.

Сўз—газетхонларга

Бизнинг севимли газетамиз

Заводимизни «Ишчилар қалъаси» деб атайдилар. Бу жуда тўғри, чунки у собиқ Туркистон ўлкаси меҳнаткашларини революция гулхани атрофига тўплаган корхоналардан бири ҳисобланади.

Мен шу корхонада қарийб 40 йил ишладим. Бу, яшаган умримнинг учдан икки қисми. Шу завод қучоғида ўсиб-улғайдим. Заводга ишга кирганимда «а»ни «б»ни ҳам билмасдим. Инженер-мастер даражасини олиб, яқинда пенсияга чиқиб кетдим. Бу менинг учун катта бахтдир.

Лекин мен қадрдон заводим ва ўзимнинг ўтмишим ҳақида сўзлаб бермоқчи эмасман. Мен ва менга ўхшаган жуда кўп ишчиларнинг саводли, маданиятли бўлишида матбуотнинг, хусусан «Правда Востока» газетасининг хизматини алоҳида кўрсатиб ўтмоқчиман.

1924-25 йилларда паровоз-вагон ремонт заводи реконструкция қилиниб, анча кенгайтирилаётган эди. Завод кенгайди деган сўз ишчилар сони кўпайди демакдир. Бироқ, янги қабул қилинган ишчиларнинг кўпчилиги саводсиз эди. Ана шу йилларда «Правда Востока» жуда катта иш берди. Унинг саҳифаларида дунёда содир бўлаётган хилма-хил воқиалардан тортиб, то бизнинг завод ишчилари ҳаётигача ёритилар эди.

Бу газетанинг биз ишчиларни қизиқтирадиган ажойиб фазилатлари бор: унда босилган мақолалар, ҳарфлар, оддий — ҳаммага тушунарли тилда ёзилиб, меҳнат кишиларининг фикр-туйғуларини, орзу умидларини ифода этарди.

«Правда Востока»ни ҳозир ҳам жон-дилим билан севиб ўқийман. Пенсияга чиққанимдан бери Тошкент атрофидаги қўллар, дарёларнинг ғўзал манзаралари қирғоқларида оёқ узатиб балиқ овлайман. Қармоғим зилол сув тагида сузаётган балиқларни пойлайди. Сал ҳиралашган кўзларим «Правда Востока»даги большевистик ҳақиқатни ўқиганда равшан бўлади. Шунда унинг илк сонларини эслайман — бутун қайноқ ёшлик ҳаётим кўз ўнгимдан бирма-бир ўтади. Ўшанда худди ўзимни у билан сирдош бўлиб ўсгандек хис қиламан...

И. Н. ВЕРЕВКИН,
пенсионер.

Иккинчи мактаб

Рус тили ҳозир бизнинг иккинчи она тилимиз бўлиб қолди. Айниқса, ўқитувчилар рус тилини билмай туриб, ўзларининг билим доираларини кенгайтира олмайдилар. Шунинг учун иккинчи она тилимиз бўлган рус тилини ўрганишда «Правда Востока» газетаси айниқса қишлоқ интеллигентларига катта ёрдам бериб келмоқда. Шу сабабли биз «Правда Востока» газетасини фақат партиямизнинг жанговар қуроли, социалистик ҳаётимизнинг ёркин ойнаси сифатидагина эмас, шу билан бу газетани бизга рус тилини ўргатувчи бир мактаб сифатида ҳам севиб ўқимоқдамиз.

Мен ҳозир Бўстонлиқ районидаги Жамбул номли мактабда физика-математика ўқитувчиси бўлиб ишлайман ва педагогика институти сиртқи бўлимининг физика-математика факультетида ўқийман. Сиртдан ўқиш рус тилидаги кўпгина адабиётлардан фойдаланишни талаб қилади. Рус тилини билмай туриб, керакли адабиётлардан фойдаланиб бўлмаслиги табиийдир. Мен кўпдан бери «Правда Востока» газетасини ўқиб, рус тилида чиққан хилма-хил материаллар билан танишиб борганим, ўзбекча ва русча газеталарда босилган бир хилдаги материалларни солиштириб ўқиганим ҳамда мактабда рус тилидан олган маълумотимни шу газетани ўқиш билан мустаҳкамлаб борганим учун ҳозир рус тилидаги адабиётлардан бемалол фойдалана оладиган бўлиб қолдим.

«Правда Востока» газетасини муттасил ўқиб-ўрганиб бориш мен учун рус тилини ўрганишда иккинчи мактаб бўлди. Шунинг учун ҳам қишлоқ интеллигентлари маънавий озиқ манбаи бўлган «Правда Востока» газетасини севиб ўқимоқдалар.

Туроб НОСИРОВ,
Бўстонлиқ районидаги Жамбул номли мактаб ўқитувчиси.

Суратда: «Правда Востока» газетасига обуна бўлмоқдалар.

Сиёсий ва илмий билимлар пропагандисти

Газетхонлар Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг органи «Правда Востока» газетасининг ўн мингинчи сони чиққан кунни зўр хурсандчилик билан нишонладилар. «Правда Востока» газетаси Совет Ўзбекистони тарихида, Ўрта Осиё социалистик республикалари тарихида коллектив пропагандист ва коллектив ташкилотчи сифатида жуда катта роль ўйнади ва ўйнаб келмоқда. Газета социалистик экономикани вужудга келтириш, социалистик маданият яратиш, марксизм-ленинизмнинг ўлмас идеяларини пропаганда қилиш соҳасида жуда муҳим ишларни қилмоқда.

Совет матбуотининг энг яхши традицияларига содиқ бўлган «Правда Востока» газетаси воқилигимизни ҳаққоний акс эттириб, ишимизда мавжуд бўлган камчиликларни ва хатоларни очиб ташлаб, меҳнаткашларга жуда катта ёрдам бермоқда, уларни кўпмиллатли совет халқининг модий ва маънавий бойлигини оширишдек шарафли ишга сафарбар этмоқда, Ўзбекистонда фан ва саньатнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшаётир.

Шу билан бирга, «Правда Востока» буржуазия идеологиясига қарши, кишилар онгидаги эскилик сарқитларига қарши курашда, мамлакатимиздаги меҳнаткашларни марксизм-ленинизм ғояларига содиқ қилиб тарбиялашда, кишилар орасида коммунизм ва интернационализм ғояларини ёйишда оммавий газета сифатида катта роль ўйнамоқда.

Биз «Правда Востока» газетасининг ишчан коллективининг бундан буён ҳам партиямизнинг ўткир ва энг кучли қуроли бўлган газета ишларини янада яхшилашига, коммунистик жамият қураётган, КПСС XX съезди чизиб берган улуғвор программани амалга ошираётган ажойиб совет кишиларининг фидокорлигини, қаҳрамонона курашини, меҳнаткашларнинг орзу-умид ва интилишларини янада чуқурроқ ёритиб боришига ишонамиз.

И. МУМИНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

„ПРАВДА ВОСТОКА“НИНГ ШОНЛИ ЙЎЛИ

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан «Правда Востока» газетаси Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Бу — Коммунистик партия ва Совет ҳукумати коммунизм қуриш учун курашда қудратли ғоявий қурол бўлган матбуотимиз тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатувчи яна бир ёркин далил бўлди.

«Правда Востока» газетаси меҳнаткашларни сиёсий жиҳатдан тарбиялашда самарали ишлар қилганлиги ва Ўзбекистон ССР ишчилари, деҳқонлари ҳамда интеллигенциясини коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли равишда бажаришга сафарбар қилиш соҳасидаги хизматлари учун ҳамда газетанинг ўн мингинчи сони чиққанлиги муносабати билан ҳукуматнинг бу юксак мукофотига сазовор бўлди.

Партия ва ҳукумат «Правда Востока»нинг Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини тобора гуллаб-яшнатиш, халқимизнинг шонли тарихини тинмай ошириш йўлида қилган хизматларига юксак баҳо бердилар.

«Правда Востока»нинг мукофотланганлиги — газета коллективининг ишига берилган юксак баҳо бўлибгина қолмай, шу билан бирга кўп сонли ишчи ва қишлоқ мухбирларининг, ишлаб чиқариш новаторлари, пахта юқори ҳосили усталари, партия, совет ходимлари, фан, адабиёт ва санъат арбобларидан иборат кўп сонли авторлар активининг улуғ ва олижаноб ишига ҳам берилган муносиб баҳодир. Турли миллатдан бўлган ва турли ёш ва касбдаги бу совет кишиларининг қалби республикамиз моддий бойликларини тинмай кўпайтириш, унинг социалистик мазмунли миллий маданиятини тобора гуллаб-яшнатиш, омманинг ижодий активлигини ҳар тарафлама ривожлантириш ишига ўз ҳиссасини қўшиш орзуси билан тўлиб-тошгандир.

«Правда Востока» босиб ўтган йўл —совет Ўрта Осиёсидаги энг кекса газеталардан бири босиб ўтган шонли йўлдир. Газетанинг тарихи Туркистондаги революцион, коммунистик ҳаракат тарихи билан, Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихи билан, республикамизда амалга оширилган социалистик ўзгаришлар тарихи билан чамбарчас боғлангандир. Ўзбек халқининг ҳаётида ва курашида, республиканинг тараққиётида «Правда Востока» газетасининг саҳифаларида ўз ифодасини топмаган бирорта ҳам муҳим воқиа йўқ.

Бизнинг бутун совет матбуотимиз сингари, «Правда Востока» ҳам ўзи вужудга келган дастлабки кунлардан бошлабоқ Коммунистик партиянинг доно сиёсатига доим амал қилди, коммунистик қурилиш практикаси туғдирган вазифаларни ҳал қилишга оммани актив равишда сафарбар қилиб келди, меҳнаткашларнинг илҳомчиси бўлиб келди ва бўлмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Олий Совети Президиуми «Правда Востока» газетасининг ўн мингинчи сони чиққанлиги муносабати билан газета редакциясига юборган ўз табрикномаларида кўрсатганларидек, Ўзбекистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда, ленинча миллий сиёсатни амалга оширишда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва уларни Совет Ўзбекистони халқ хўжалигини, фани ҳамда маданиятини ривожлантириш вазифаларини ҳал қилишга сафарбар этишда «Правда Востока» коллектив пропагандист ва ташкилотчи сифатида катта роль ўйнади.

«Правда Востока»нинг ажойиб тарихи бор. У «Наша газета», «Туркестанский коммунист», «Известия» деган газеталарнинг, шунингдек «Туркестанская правда» газетасининг ворисидир.

«Наша газета» 1917 йилнинг апрелидан чиқа бошлади. Октябрь социалистик революциясига қадар бу газета Туркистон ишчиларини ва камбағал деҳқонларини мустамлакачи буржуазияни, помещикларни ва маҳаллий эксплуататор синфларни тор-мор қилиш учун курашга уюштирди.

Социалистик революция Туркистонда ғалаба қозонганидан сўнг «Наша газета» Россия Совет Федерациясининг Туркистон республикаси Марказий Ижроия Комитети ҳамда ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Тошкент Советининг органи бўлиб қолди. Газета Октябрдан сўнг Совет ҳукумати қабул қилган декретларни, шу жумладан Коммунистик партия миллий сиёсатининг асосларини ва амалий вазифаларини белгилаб берган декретларни эълон қилди. Газета бу декретларнинг мазмунини тушунтириш билан миллий масалада ленинча йўлнинг амалга оширилишида катта роль ўйнади.

1919 йил 12 апрелда «Наша газета» Туркистон республикасининг марказий совет ташкилотлари органига айлантирилиб, «Известия» деб атала бошлади.

1923 йил 1 январда Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Туркистон республикаси Марказий Ижроия Комитети, ВЦСПС Туркистон бюроси ва Туркистон Компартияси Сирдарё область комитетининг органи — «Туркестанская правда» газетасининг биринчи сони чиқди. Кўп нусхала чиқаётган партиявий газета тузиш тўғрисидаги масалани Ўртага қўйган партия ва касаба союз ташкилотларининг ташаббуси билан «Известия» газетаси «Туркестанская правда» газетаси қилиб ўзгартиришди.

«Правда Востока»нинг ўн мингинчи сони «Туркестанская правда»нинг дастлабки сонидан бошлаб ҳисобланади. Чунки партиямиз Марказий Комитети ва улуғ Ленин ташаббуси билан миллий-давлат чегараланиши ўтказилганидан сўнг, «Туркестанская правда» 1924 йил ноябрда «Правда Востока» деб атала бошлади. «Правда Востока»нинг биринчи сони ҳозирги номи билан 1924 йилнинг 24 ноябрида чиққан эди.

1934 йилга қадар «Правда Востока» ўлка ва республика газетаси, ВКП(б) Марказий Комитетининг Ўрта Осиё бюроси ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг органи бўлиб келди. Ўрта Осиё бўйича раҳбар органлар тарқатиб юборилгандан сўнг, 1934 йилнинг кузидан бошлаб «Правда Востока» республика газетаси бўлиб қолди.

Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши амалга оширилиб, Ўзбекистон ССР тузилгандан сўнг Ўзбекистон матбуоти янада кенгроқ ривожланди. Шу вақтда «Қизил Ўзбекистон» газетаси чиқа бошлади. Унинг биринчи сони 1924 йил 5 декабрда чиқди. Бир қанча деҳқонлар, ёшлар, хотин-қизлар ва сиёсий бўлим газеталари нашр этила бошлади.

Совет Ўзбекистонининг матбуоти йилдан-йилга ўсиб, мустаҳкамланиб борди. Ҳозир республикада ўзбек, рус, тожик, қорақалпоқ, қозоқ тилларида бир йўла 1 миллион нусхадан ортиқ босилаётган 208 газета ва 16 журнал бор. 1955 йилда республикада 22 миллиондан ортиқ нусхада 1500 номли турли адабиёт нашр этилди.

«Правда Востока» ленинча миллий сиёсатни амалга оширишда, Совет Ўзбекистонини социалистик қайта қуриш ишида катта роль ўйнади. Газетанинг тарихи хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида Ўзбекистон Компартияси олиб борган кураш ва ғалабалар тарихидир. Газета республика партия ташкилоти сафларини мустаҳкамлашда, кадрларни ғоявий жиҳатдан чиниқтиришда, халқимизни интернационализм руҳида тарбиялаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига кўп ёрдам берди.

Совет ҳокимияти барпо этилган дастлабки йилларда, биринчи совет беш йилликлари даврида, индустриялаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йилларида, Улуғ Ватан урушинг даҳшатли йилларида, урушдан сўнгги тинч қурилиш даврида — ана шу барча даврларда бутун Ўзбекистон матбуоти сингари «Правда Востока» ҳам Коммунистик партиянинг йўлбошчилиги ва раҳбарлиги остида партия белгилаб берган вазифаларни амалга ошириш учун қизғин кураш олиб борди. Газета улуғ социалистик Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлаш ишига ўзининг бутун қобилияти ва ғайратини сарфлаётган, совет халқлари қардошлик оиласининг тенгҳуқуқлик аъзоси ўзбек халқининг энг чуқур фикр ва туйғуларини ифодалади.

Газета СССР халқларининг қардошларча дўстлиги ғояларини тинмай пропаганда қилмоқда, меҳнаткашларни пролетар интернационализми, ҳаётбахш совет ватанпарварлиги руҳида, социалистик Ватанга, Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига чексиз садоқат руҳида тарбиялаш ишида Ўзбекистон Компартиясига ёрдам бермоқда.

«Правда Востока» ҳозирги вақтда КПСС XX съезди томонидан республикамиз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли равишда бажаришга Ўзбекистон меҳнаткашларини сафарбар қилиш юзасидан катта иш олиб бормоқда.

Газета саҳифаларида республиканинг хўжалик, маданий ва сиёсий ҳаёти кенг ёритилмоқда.

Партия ва ҳукумат томонидан республика партия ташкилоти ва барча меҳнаткашлари олдига қўйилган халқ хўжалигининг асосий вазифаси—пахтачиликни кескин равишда юксалтириш, мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш учун жуда зарур бўлган қимматбаҳо хомашё — пахта етиштиришни ҳар тарафлама кўпайтириш вазифаси газетада марказий ўринни эгаллаган.

Газета колхозчилар, совхоз ва МТС ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг фидокорона меҳнатини акс эттиради ва материалларни тез-тез босиб чиқармоқда, прогрессив методларни пахтачиликка дадил жорий қилаётган пахта юқори ҳосили усталарининг тажрибасини кенг пропаганда қилмоқда, Ўзбекистон пахтакорлари билан Тожикистон, Озарбайжон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Арманистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ўртасидаги социалистик мусобақани доим ёритиб бормоқда.

«Правда Востока» теварагида кўпсонли авторлар активи уюшган. Газета саҳифаларида ишчи ва қишлоқ мухбирларининг, ишлаб чиқариш новаторлари, пахтачилик усталари, партия ва совет ходимлари, фан, адабиёт ва санъат арбобларининг мақолалари босилади.

Бугун «Правда Востока» газетаси ишчи ва қишлоқ мухбирларининг 1924 йилда Тошкентда бўлиб ўтган биринчи слетини хотирлаймиз. Слетда ҳаммаси бўлиб 10 киши қатнашган эди. Ўша слет муносабати билан газета бундай деб ёзган эди: «Шу кундан бошлаб партиянинг босма органлари билан Ўзбекистондаги минглаб қишлоқлар ўртасида дастлабки алоқа йўли ўрнатилди. Бизнинг дастлабки ўнта активимиз бугун биринчи симни тортиб берди. Шаҳардан қишлоққа ва қишлоқдан шаҳарга жонли энергия шу симдан оқиб боради. Ҳозир дастлабки активга ўнтагинадир. Эртага бу ўнта кишига мингларча киши эргашади».

Шундай бўлиб чиқди! Мингларча меҳнаткашлар матбуотда актив қатнашмоқдалар, республика халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришга таллуқли муҳим масалаларни матбуот саҳифаларида кўтариб чиқмоқдалар. Шу йилнинг 10 ойи мобайнида «Правда Востока» меҳнаткашларнинг икки мингдан ортиқ хатини босиб чиқарди. Бу хатлар газета тематикасини бойитади, республика хўжалик ва маданий ҳаётининг барча соҳаларига янада кўпроқ таъсир кўрсатиш имкониятини беради.

«Правда Востока»нинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганлиги газета коллективи учунгина эмас, шу билан бирга Ўзбекистондаги барча матбуот ходимлари учун ҳам катта байрамдир. Бу мукофот республика журналистларининг жанговар отрядини, нашриёт ва босмахоналарнинг ходимларини, ишчи ва қишлоқ мухбирларини янгидан-янги шонли ишларга, КПСС XX съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун актив курашишга илҳомлантиради.

Барча совет республикалари матбуоти сингари Ўзбекистон матбуоти ходимлари олдида ҳам партия XX съездининг тарихий қарорларидан келиб чиқадиган катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Олдимизда ҳал қилинмаган кўп вазифалар, турмушимиз, ўқувчиларимиз кун сайин қўйётган янгидан-янги талаблар турибди.

Ҳеч шубҳа йўқки, Ўзбекистон матбуоти ходимлари совет матбуотининг ленинча принциплари байроғини бундан буён ҳам баланд кўтариб боралар, КПСС Марказий Комитети раҳбарлиги остида газетанинг ғоявий ва маданий савиясини ошириш учун курашадилар, Ўзбекистон Коммунистик партияси ва бутун Ўзбек халқининг партия XX съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун олиб бораётган курашида, коммунистик жамият қуриш учун қилинаётган ғоят катта ишларда газеталарнинг ролини янада оширишни таъминлайдилар.

Совет халқининг Миср халқига совғалари

ИСКАНДАРИЯ, 2 декабрь. (ТАСС). Кеча «И. Сеченов» деган совет турбоходи Искандарияга келди. Бу турбоход Англия, Франция, Исроил агрессиясидан зарарланган миср халқига Совет Иттифоқи меҳнаткашларининг ёрдами тариқасида юборган юкларни олиб келди. Кутиб олувчилар орасида жуда кўпгина порт ишчилари бор эди. Кутиб олувчилар миср-совет дўстлиги шарафига, Совет Иттифоқи ва Мисрнинг раҳбар арбоблари шарафига шиорлар айтиб турдилар.

СССР Қизил Крести ва Қизил Яримой жамиятлари союзи ижроия комитетининг делегациясини кутиб олмоқ учун Искандария портига Миср Қизил Яримой жамиятининг жамият вице-раиси доктор Мансур Фаҳмий бошчилигидаги вакиллари, Искандария губернатори Муҳаммад Адиб, Миср социал ишлари министрлиги ва ахборот бошқармасининг вакиллари, Мисрнинг Искандариядаги журналистлари келдилар. Делегацияни СССРнинг Мисрдаги элчиси Е. Д. Киселев ва совет элчихонасининг ходимлари ҳам кутиб олдилар.

Миср халқига ёрдам учун юборилган юкларни олиб келган делегациянинг раҳбари, Қизил Крест ва Қизил Яримой жамиятлари ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Н. С. Хмелев бу ерга йиғилганларга мурожаат қилиб, бундай деди:

Азиз дўстлар! Совет Иттифоқи халқлари номидан сизларга ва сизлар орқали бутун миср халқига оташин қардошлик саломи топширишимга рухсат этгайсиз.

Биз совет Қизил Крести ва Қизил Яримойининг вакиллари Миср ерига чуқур қаяжонлик билан қадам қўйиб келдик. Бизнинг тинч ерингизга уруш кириб келган оғир пайтда келдик. Қадрли дўстлар, сизлар учун оғир бўлган ана шу пайтда биз бутун қалбимиздан, бутун кўнглимиздан сизлар билан биргамиз.

Агрессорларнинг биринчи бомбалари сизнинг ерингизга тушиши биланоқ совет халқи қатъий суратда Мисрни қувватлаб чиқди. Кўп митингларда ва намойишларда Ватанимизнинг эркак ва хотин-қизлари сизнинг талантли ва меҳнатсевар халқингизнинг ҳаётига, озодлигига ва мустақиллигига қасд қилган агрессорларга лаънат ўқидилар.

Совет кишилари якдиллик билан: Мисрдан қўлингни торт! Агрессорлар Миср республикасидан жўнаб кетингиз! — дейдилар. Совет кишилари сизларнинг содиқ дўстингиздир, улар сўзда эмас, амалда дўстлардир. СССРнинг кўпмиллионли граждан-лари миср халқига қардошлик ёрдами кўрсатишга тайёр эканликларини изҳор қилдилар. Англия, Франция ва Исроилнинг жинояткорона интервенциясидан зарарланган Миср аҳолисига ёрдам бермоқ учун Совет Иттифоқида қисқа вақт ичида 15 миллион сўм маблағ тўпланди. Ана шу маблағга биз келтирган мана шу юклар сотиб олинди.

Бу юклар — сизларга миллионмиллион совет кишилари муҳаббат ва хайриҳоҳлик билан юборган бегараз совғадир. Бизнинг совғаларимиз уруш жароҳатларини тезроқ даволашда сизга кўмак бўлсин ва олижаноб, муқаддас ишингизда озод, мустақил ва гуллаб-яшнаётган Миср учун курашиш ишига ҳисса бўлиб хизмат қилсин.

Миср халқига, меҳнаткаш халққа, курашувчи халққа шон-шарафлар бўлсин! Яшасин президент Жамол Абдул Носир! Бузилмас Миср-Совет дўстлиги яшасин ва мустаҳкамлансин!

Н. С. Хмелевнинг сўзи гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди.

Миср Қизил Яримой жамиятининг вице-раиси доктор Мансур Фаҳмий жавоб нутқида бундай деди:

Ана шу совғалар учун ҳамда Миср халқининг ҳозирги курашида совет халқининг унга муҳаббат ва ҳайриҳоҳлик туйғулари учун чуқур миннатдорчилик изҳор қиламиз.

Делегация раҳбари Н. С. Хмелев қуйидагиларни билдирди: Совет халқининг миср халқига юборган совғалари орасида қуйидаги буюмлар келтирилди: уч минг тонна буғдой, 500 минг банка консервалаштирилган ёғ, 3 миллион сўмлик дори-дармон ва 600 минг сўмлик медицина ускуналари, тўла суратда ускуналанган ва таъминланган 300 кишилик госпиталь, дала госпитали ташкил этиш учун 15 та палатка ва 10 та санитария машинаси бор.

Искандария портининг ишчилари кемадаги юкларни пулсиз ва қисқа муддат ичида тушириб олажакларини айтдилар.

БАЙРУТДА СССР ЭЛЧИСИ ШАРАФИГА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

БАЙРУТ, 1 декабрь. (ТАСС). Ливаннинг «Хайя ватания» партияси Совет Иттифоқи халқи Мисрни ва барча араб мамлакатларини империалистик агрессорларга қарши олиб бораётган курашларида қўллаб-қувватлаётганлиги учун ливан халқининг миннатдорчилигини билдириш мақсадида СССРнинг Ливандаги элчиси С. П. Киктев шарафига 30 ноябрда қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида партия номидан қилинган баёнотда, жумладан, бундай дейилади: «Шуни уқтириб ўтиш зарурки, Мисрга қарши агрессия бошланмасдан олдин ва шу агрессиядан кейин ҳам СССР агрессорларни жиловлаб қўйишга интилиб халқаро миқьёсда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида ҳам, шунингдек бошқа йўллар билан ҳам ҳаракат қилиб кўрди. Партия СССР элчисидан СССРнинг бу олий ҳиммат ва одамгарчилик позицияси учун «Хайя ватания» партиясининг, шунингдек ливан халқининг ташаккурини ўзининг эркин давлатига топшириш илтимос қилади.

Эндиликда, дейилади сўнгра баёнотда, ҳар иккала агрессив давлат (Англия билан Франция. — Редакция) шериги Исроил билан бирликда шу нарсани ниҳоят тушуниб олишлари зарурки, улар ўзларининг ҳар қанча найрангларига ва ишни чўзишларига қарамай, Мисрдан чиқиб кетишлари ва ўзларининг жиноий ҳаракатлари билан Мисрга етказилган зарарни қоплашлари лозим бўлади. Агрессорлар яккаланиб қолдилар ва ўзларининг игво-туҳматлари билан бирликда ёлғизликка тушиб қолдилар, эмди бутун дунё адолат томонини олмоқда. Империализм ва сиёсий алдамчилик вақти ўтиб кетди».

СССР элчиси С. П. Киктев «Хайя ватания» партиясига СССРга нисбатан дўстлик ҳиссларини изҳор қилганлиги учун ташаккур билдирди ва Ливан халқига равнақ ҳамда фаровонлик тилади.

Қабул маросимида депутатлар, баъзи дипломатик вакилликларнинг бошлиқлари, сиёсий арбоблар ва матбуот вакиллари ҳозир бўлдилар.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНГАШИНИНГ БОШ МИНИСТРИ ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙНИНГ ҲИНДИСТОНДА БЎЛИШИ

ДЕҲЛИ, 1 декабрь. (ТАСС). Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай, Хитой Халқ Республикаси давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари Хэ Лун ва уларнинг ҳамроҳлари Ҳиндистон бўйлаб 10 кун саёҳат қилмоқ учун бугун Деҳлидан учиб кетдилар. Чжоу Энь-лай Пунага, Бомбайга, Бангалорга, Мадрасга ва Калькуттага боради.

Аэродромда Чжоу Энь-лайни Ҳиндистон бош министри Неру, Ҳиндистон ҳукуматининг аъзолари, дипломатик корпус аъзолари ва бошқа расмий шахслар кузатиб қўйдилар. Тибет далай-ламаси ва панчен-ламаси ҳам ҳозир бўлдилар. Фахрий қоровул саф тортиб турди ҳамда Хитой ва Ҳиндистоннинг давлат гимнлари ижро этилди.

Аэродромда Чжоу Энь-лай мухбирларнинг бир қанча саволларига жавоб берди.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИДАГИ СУРИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАКИЛИНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

НЬЮ-ЙОРК, 1 декабрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги Сурия делегациясининг вакили Зайниддин матбуот конференциясида матбуот вакилларига баёнот топширди. Баёнотда Ғарбдаги муайян доиралар ва матбуот томонидан Сурияга қарши авж олдирилаётган туҳматчилик кампанияси фош қилиб ташланган. Баёнотда айтилишича, бу кампаниядан мақсад «Сурия Туркияга, Исроилга, Ироққа, Эронга, Англияга ва Францияга ҳужум қилмоқчи ёки шу давлатларга бўладиган ҳужумда қатнашмоқчи, деган таассурот туғдиришдир».

Бу хилдаги кампания, деди Сурия вакили, муайян мақсадни, у ҳам бўлса: Мисрдаги аҳволга бўлган эътиборни Сурияга кўчириб, халқаро жамоатчиликнинг эътиборини Англия, Франция ва Исроилнинг ўз қўшинларини Мисрдан дарҳол олиб чиқиб кетишни асло истамаётганликларидан четга буриш, Сурияга қарши «агрессияга психологик тайёргарлик» кўрмоқ учун замин яратиш, «Ўрта Шарқ давлатларини бир-биридан гумонсирайдиган қилиб қўйиб, уларнинг орасини бузиш» ҳамда Бағдод пактини мустаҳкамлашга уриниб кўриш мақсадларини кўзлайди. Бағдод пакти ўзини мустаҳкамлаш учун ҳозир айниқса мухтождир.

Катта аҳамиятга эга бўлган яна бир ҳолат шундан иборатки деди Зайниддин, улар Сурияга тазъиқ ўтказиб, уни «ҳар қандай мудофаа тадбирларидан воз кечишга» мажбур қилмоқчилар.

Баёнотда уқтириб айтилишича, Сурия-нинг сиёсати «совуқ муносабатлар урушида ҳеч бир лагерга қўшилмаслик сиёсатидир, ижобий бетарафлик сиёсатидир. Бу сиёсатнинг мақсади аҳволга объектив кўз билан қараб, бошқа давлатлар билан муносабатларни фактлар асосига қуришдан иборатдир».

Чехословакия Миллат мажлиси сессиясида В. Широкий нутқи

ПРАГА, 1 декабрь. (ТАСС). Бугун Миллат мажлисининг сессиясида Чехословакия Республикаси ҳукуматининг раиси В. Широкий нутқ сўзлаб, ҳозирги халқаро аҳвол масалаларига тўхталди.

В. Широкий Англия ва Франциянинг Мисрга қилган агрессиясига тўхталиб, бундай деди:

Мисрга қарши қилинган империалистик агрессия тўғрисида ва Яқин Шарқдаги воқиаларнинг умумий бориши тўғрисида Чехословакия ҳукуматининг нуқтаи назари аниқ ва равшандир. «Сувайш кризиси» деб аталган воқиа бошланган пайтдаёқ Чехословакия ҳукумати ва халқи қатъий равишда адолат томонини, Мисрнинг томонини олдилар. Ҳукумат, Сувайш масаласи Мисрнинг суверенитетини мутлақо ҳурматлаган ҳолда, музокаралар олиб бориш асосида тинч воситалар билан ҳал қилиниши мумкин ва лозим эканлигини неча қайталаб уқтириб ўтди. Ҳозирги вақтда Чехословакия Республикаси ҳукумати агрессорларнинг барча қуролли кучларини Миср территориясидан дарҳол чиқартириб юборишни энг зарур иш деб ҳисоблайди.

В. Широкий Венгрия воқиаларига тўхталиб дедики, контрреволюция катта зарар етказганлиги сабабли Венгриянинг нормал турмуш шароитига тўла равишда қайтмоғи учун ҳали анча вақт керак бўлади ва бунинг учун венгер халқи кўп куч-гайрат сарфлаши, шунингдек демократик мамлакатлар ёрдам бериши лозим бўлади.

Венгер ишчилар синфининг мард фарзандлари, — деди В. Широкий, — ўз устларига қандай хавф келганлигини ўз вақтида билиб олдилар ва бу хавфни дафъ қилмоқ учун қатъий чоралар кўрдилар. Биз тўла равишда уларга хайриҳоҳлик қиламиз. Венгрия ҳукуматининг илтимосига кўра ҳамда мавжуд битимларга ва халқаро ҳуқуқ принципларига тўла мувофиқ равишда венгер халқига контрреволюцияни тор-мор келтиришда ёрдам берган Совет Иттифоқига ҳамда унинг қаҳрамон армиясига ниҳоят даражада ҳайриҳоҳмиз. Чехословакия Республикаси ҳукумати бу ёрдамни ўз вақтида ва асосли равишда берилган ёрдам деб ҳисоблаш билан бирга, мутлақо зарур ва берилиши муқаррар бўлган ёрдам деб ҳам ҳисоблайди.

Чехословакия Республикаси бораётган йўл, — деди пировардида В. Широкий, — социализм қуриш йўлидир. Бу йўл ватанимизнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан янада яйраб-яшнамоғи учун бирдан-бир тўғри йўлдир.

Улуғ Совет Иттифоқи билан мустаҳкам дўстлик ва иттифоқ ташқи сиёсатимизнинг негизи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Чехословакия ҳукумати барча халқ — демократияси мамлакатлари билан ҳам дўстона муносабатларни мана шундай самимият билан бундан буён ҳам ривожлантира беради ва кенгайтира беради, чунки бизларнинг манфаатларимиз умумийдир ва бу манфаатларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Чехословакия Миллат мажлисининг уч кун давом қилган 14-сессияси бугун ўз ишини тамомлади.

Венгер халқига ёрдам

БУХАРЕСТ, 2 декабрь. (ТАСС). Руминия Халқ Республикаси меҳнаткашлари қардош венгер халқига ёрдам кўрсатиб турибдилар. Ҳозирча Венгрияга 1.760 вагон нефть маҳсулоти, лигнит, ўтин, цемент, ёғоч, ойна ва шу каби моллар юборилди.

Венгер қочоқларини Австрия лагерларида зўрлаб ушлаб турибдилар

ВЕНА, 1 декабрь. (ТАСС). Австриядаги кўчириб олиб кетилган шахслар сақланадиган лагерларда турувчи венгриялик гражданлар орасида кейинги вақтларда ватанга қайтишни талаб қилувчилар кўпайиб бормоқда. Лагердаги антисанитария шароити, озиқ-овқат ва кийим-кечак етишмаслиги, шунингдек лагерларнинг ўзида маҳбуслар каторида туриш венгер қочоқлари орасида норозилик туғдирмоқда ва уларни тўдатўда бўлиб қочишга мажбур этмоқда.

Қочоқлар сақланадиган лагерларда кўплаб касал бўлиш оммавий тус олди. «Бильд-телеграф» газетасининг бугунги хабарида айтилишича, Гюссингдаги қочоқлар лагерида дизентерия авж олиб кетган.

«Эркин Европа» радиостанцияси ва Австриянинг реакцион матбуоти зўр бериб пропаганда қилаётганлигига қарамай, Венгриядаги аҳвол нормаллашиб бораётганлиги ҳақидаги фактларни шу радиостанция ва газеталар эълон қилмай ширраётганликларига қарамай, венгер қочоқларининг кўпчилиги ўзларини дарҳол ватанга жўнатишни талаб қилмоқдалар.

Қочоқларнинг истагига қарамай, уларни Венгрияга қайтармаслик учун кейинги вақтларда зўр бериб ҳаракат қилинмоқда. Бу ҳаракатда Австрия маъмурлари сезиларлик роль ўйнамоқдалар. Улар венгриялик гражданларни Австрия территориясидан эвакуация қилмоқ учун ошиғич чоралар кўриш масаласини Ғарб мамлакатлари ҳукуматларининг олдига неча марталаб қўйдилар. Ташқи ишлар министрлигининг статис секретарлари Брейский ва Грубхофер Ғарбий Европа мамлакатларининг ҳукуматларига мурожаат қилиб, венгриялик гражданларни Ғарбга тезроқ жўнатмоқ учун бевосита Австрия — Венгрия чегарасига поездлар юборишни илтимос қилдилар.

Бу илтимослар оқибатсиз қолмади. Кейинги кунларда венгер қочоқларни турли узоқ мамлакатларга, жумладан Жанубий Америкага, Канадага, Австралияга шошмашошарлик билан эвакуация қилиш бошланди.

ТАЙЁР КИЙИМЛАР ВИСТАВКАСИ

Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхоз клубида ташкил қилинган бичувчилар тўгарагини яқинда 50 га яқин хотин-қиз битириб чиқди. Клубда улар тиккан катталар ва болалар кўйлаклари ҳамда эркаклар костюми ва польтоларнинг виставкаси ташкил қилинди. Виставкага қўйилган хушбичим ва чиройли қилиб тикилган рангба-ранг тайёр кийимлар виставка қатнашчиларига манзур бўлмоқда. Виставкани ҳар куни 200 дан ортиқ киши келиб томоша қилмоқда.

Суратда: тўгаракни янги битирган чеварлардан **М. Харченко** виставка қатнашчиларига экспонатлар ҳақида сўзлаб бермоқда.

А. ЛАТИПОВ.
В. Салов фотоси.

Медицина темасида лекция ва суҳбатлар

Область соғлиқни сақлаш бўлими шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида санитария пропагандасини яхшилаш юзасидан бир қанча тадбирларни амалга оширди. Чирчиқ, Олмалиқ, Оҳангарон, Янгийўл ва Бекобод шаҳарларида санитария оқартув уйларининг врач ва ҳамширалари аҳоли ўртасида турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказдилар. Шунингдек, соғлиқни сақлаш бўлимининг мутахассис врачлари ва ҳамширалари колхозчилар ўртасида касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш тўғрисида ҳам кўпгина лекциялар ўқидилар. Шу йилнинг ўн ойи мобайнида аҳоли ўртасида медицинага оид 4330 та лекция ва 6 мингдан ортиқ суҳбат ўтказилди.

Яқинда область соғлиқни сақлаш ходимларидан бош акушерка—гинеколог, медицина фанлари кандидати ўртоқ Е. Б. Булич Бекобод шаҳрига бориб, нон заводининг ишчи ва хизматчиларига «Аёллар касалликлари», Мирзачўл шаҳридаги моторремонт заводида «Рак ва унинг олдини олиш», бош терапевт ўртоқ А. Г. Чернович эса Оҳангарон ва Бекобод шаҳарларига бориб «Полиоэмилет ва уни даволаш», бош хирург ўртоқ Н. В. Пикавер Ўртасарой районида «Бош суяк травмаси», «Кўз оғригининг олдини олиш» ва бошқа темаларда лекциялар ўқидилар.

Чирчиқ телевидениеми қабул қилмоқда

Тошкентда телевидение марказининг ишга туширилишини чирчиқликлар зўр қувонч билан кутиб олдилар. Чунки телевидение маркази Чирчиқ шаҳарини ҳам ўз сферасига олади. Шунинг учун ҳам шаҳар аҳолиси орасида турли телевизорлар сотиб олувчиларнинг сони тобора кўпаймоқда. Химкомбинат, химия машинасозлиги ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводларининг ишчиларидан 45 киши телевизор сотиб олди. Ҳамма эшитиришларни Чирчиқдаги телевизорлар аниқ ва яхши қабул қилмоқда. Уқитувчи-пенсионер ўртоқ И. Шведнинг ўз таассуротлари ҳақида бундай деди:

— Биз Октябрь байрами кунлари телевизоримиз экранида ёзувчи Ойбек романи асосида ишланган «Қутлуғ қон» номли янги бадиий фильмни ҳамда катта эстрада концертини зўр қизиқиш билан томоша қилдик, кўринишлар жуда аниқ бўлди.

Т. УРУНОВ.

СУД ЗАЛИДАН

Безори қилмишига яраша жазоланди

Абдулла Фозилов шу йил август ойининг кунларидан бирида кеч соат 9 да маст бўлиб, «Победа» паркида Логунова ва Евсееваларга безорилик қилади ва Логуновнинг бошига уриб, жароҳатлайди.

Орадан кўп вақт ўтмай Фозилов 5-гишт заводи клуби яқинида кетаётган Антонов ва Антоноваларни учратиб, уларга нисбатан безорилик қилади. Шу жойда қўлга тушади.

Яқинда Киров район 3-бўлим халқ суди очиқ суд мажлисида безори Абдулла Фозиловнинг жиноий ишини кўриб чиқди. Суд уни қилмишига яраша — 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш меҳнат лагерига юборишга ҳукм қилди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Порт-Саиддан қочиб чиққан кишилар

СТОКГОЛЬМ, 2 декабрь. (ТАСС). Швециядаги «Стокгольмс-тиднинген» ва «Моргон-тиднинген» газеталарининг мухбирлари бошқа чет эл мухбирлари билан бирликда Порт-Саиддан қочиб чиққан кишилар турган лагерларга бориб келганларидан кейин, инглиз-французларнинг ҳужуми сабабли шаҳарни ташлаб кетган шу қочоқлар билан учрашиш натижасида олган таассуротларини ёзиб чиқардилар. «Стокгольмс-тиднинген» газетасининг мухбири Лундбергнинг ёзишича қараганда, Порт-Саиддан қочиб чиққан кишиларнинг ҳаммаси 80-90 минга етади. Агар инглиз қўшинлари аҳолининг йўлини тўсмаганларида эди, қочоқларнинг сони бундан ҳам кўпроқ бўлур эди. Лундбергнинг айтишича, Англия ва Исроилнинг Мисрга қилган агрессияси шу мамлакатларга нисбатан Миср аҳолисининг жуда катта нафратини қўзғатган.

«Қочоқлар даҳшатли фактларни айтиб бермоқдалар, — деб ёзади Лундберг. — Уларнинг кўплари денгиз ва осмондан бомбардировка қилинган вақтда ва шаҳардан қочаётган вақтларида оилаларини йўқотиб қўйганлар». Уларнинг айтишларига қараганда, инглиз-француз қўшинлари ниҳоят даражада шафқатсизлик қилганлар.

«Моргон-тиднинген» газетасининг мухбири Каспарссон бундай деб ёзади: «Оккупация қилинган зоналардан ва француз-инглизларнинг ҳужумидан нари кетишга интилаётган қочоқлар билан ҳозирги кунда Миср лиқ тўлди. Чет эл журналистларига шу қочоқлар турган лагерлардан бирини бориб кўришга ижозат берилган эди. Қочоқлар ўзларининг бошларига тушган даҳшатлар тўғрисида гапириб бермоқчи бўлиб, журналистлар атрофига юзлаб тўпландилар. Бир эркак ўзининг беш яшар ўғлини етаклаб олиб келиб, менинг тўрт болам бор эди, лекин уларнинг ҳаммасини йўқотиб, шу билан қолдим, уларга нима бўлганини билмайман, деди.

Бошқа қочоқлар ўз уйлари вайрон бўлганлигини, оилалари ва қариндош-уруғлари шу уйлар остида қолиб кетганлигини гапириб бердилар. Қочоқларнинг лагерларида нафрат нақадар кучайганлигини тасаввур қилиш мумкин, деб ёзади Каспарссон, лагерларда ўч олишга даъват қилинмоқда ва қочоқларнинг ватанига қайтишига имконият берадиган тадбирлар кўрилсин, деб талаб қилинмоқда».

Миср. Порт-Саид. **Суратда:** Англия-Франция агрессорларининг қонли ёвузликлари.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/XII да **Қутлуғ қон**, 5/XII да кундуз ва кечқурун **Аломат ҳодиса**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/XII да **Боқчасарой фонтани**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/XII кундуз соат 1 ва кеч 8 да **Катта концертлар**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 5/XII да РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Юрий Дуров гастроллари**. Томошалар эрталаб соат 11, кундуз 1, 4 ва кеч 8 да бошланади.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА», «ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Юрак яна ура бошлади**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз **Уйғониш**, кечқурун **Юрак яна ура бошлади**.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА

5 декабрь кундуз соат 12 ва кеч 9 да

КАТТА КОНЦЕРТЛАР

Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Мукаррама Турғунбоева, Галия Измайлова, Назира Аҳмедова, Фотима Борухова, Карим Зокиров**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Саодат Қобилова, Гулнора Маваева, Халима Комилова, Саттор Ярашев, Михаил Давидов, Авнер Бараев, Раҳим Исҳўжаев** ва театр солистлари қатнашади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг органи

„ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ" ЖУРНАЛИГА 1957 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИНГИЗ!

Сиёсий, адабий-бадиий журнал, — «Ўзбекистон хотин-қизлари» журнали ўз саҳифаларида асосан республикамиз хотин-қизларининг ҳаёти ва уларнинг коммунизм қурилишидаги иштирокларини акс эттиради.

Журналда Ўзбекистон хотин-қизларининг саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссалари ҳақида мақола, очерк, зарисовкалар, шеър ва ҳикоялар босилиб туради.

Журнал саҳифаларида мамлакатимиздаги, қардош республикалардаги ва чет эллардаги хотин-қизлар ҳаётидан ҳам материаллар босилади.

Саноат корхоналари, колхоз ва совхозлардаги болалар муассасалари ҳақида очерклар, болалар тарбияси ҳақида педагогик маслаҳатлар, илмий-оммабоп суҳбатлар, врач ва юрист маслаҳатлари, уй-рўзғор ишидаги хотин-қизлар учун пазандалар маслаҳати ва бошқа фойдали маслаҳатлар, шунингдек модалар бўлимида хотин-қизлар ва болалар учун сўнгги модалар бериб борилади.

Журналнинг ҳар бир сонида катталар ва болаларнинг турли кийимларидан андозалар, қашталар учун нусхалар ва аёлларнинг қўл ҳунар ишига доир бепул қўшимча варақа илова қилинади.

«Ўзбекистон хотин-қизлари» — республикада рангли суратлар билан чиқадиган йирик ва кўп тиражли журналдир. Журналга обуна бўлингиз! Обуна «Союзпечать» ва почта бўлимларида қабул қилинади.

Обуна баҳоси: 1 йилга — 24 сўм, 6 ойга — 12 сўм.

Газета ва журналларга

ЎЗ ВАҚТИДА ОБУНА БЎЛИШ УЛАРНИНГ ВАҚТИДА ЕТКАЗИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

1957 йилга ёзилиш муддатлари тугаб келаётир.

Республика газета ва журналларига ва область газеталарига обуна бўлишга шошилингиз!

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ РЕСПУБЛИКА КИНОУСТАНОВКАЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

Юрак яна ура бошлади

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМ ЧИҚАРДИ.

В. Дягилевнинг «Доктор Голубев» деган повести асосида ишланган.

Сценарий автори — А. Галич.

Постановкачи — А. Роом.

Ролларда:

В. Тихонов, Н. Симонов, А. Абрикосов, К. Столяров, Л. Гурченко, Н. Мишкова ва бошқалар қатнашади.

Фильмни «Мосфильм» киностудияси 1956 йилда ишлаган.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалиқ бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 07549 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1575.